VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

27 (192) • 2012 йил 11 июль, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

# Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



*ЎзМТДП билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик цех ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришга ёрдам бермоқда.*



*ОҚТОШ тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи Самарқанд вилоятидаги намунали билим масканларидан бири ҳисобланади. Коллеж ўқитувчилари ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, уларга фан сирларини пухта ўргатиш ишига жиддий эътибор беришади.*



*ЙИЛДАН-ЙИЛГА ўзига хос тароват ва жўшқинлик бахш этувчи ҳафталик давомида иштирокчилару юртимиз меҳмонлари ранглар жилоси, чексиз орзу ва ҳиссиётлар оламига саёҳат қилиш имконига эга бўлишади.*

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ 6 ЖАРАЁН 8 КЎЗГУ

## ХАБАРЛАР

### Ягонасан, муқаддас Ватан!

**Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.**

Бу йил кўрик-танловнинг дастлабки босқичларида республикамиздаги барча олий ўқув даргоҳларидан 370 та ижодий жамоа қатнашди. Ғолиб бўлган 11 та жамоа тизимда ўтказилган ижодий беллашувнинг якуний босқичида ўз қўшиқларини армуғон этди. Танлов натижаларига кўра, Қорақалпоқ ва Самарқанд давлат университетлари талабалари жамоаси биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

### Истиқболли ҳамкорлик

**Корея Республикасининг Ин Ха Университети малакали шифокорлари томонидан бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.**

Анъанага кўра, бу йил ҳам Кореялик малакали мутахассислардан иборат 17 нафар шифокор республикамиздаги бемор болаларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишади. Ҳозиргача бундай тиббий кўриклар "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг Юнусобод тумани тиббий ижтимоий марказида, Юқори Чирчиқ туманидаги "Ариранг" қариялар уйида бўлиб ўтди.

### Ўзбек атласи ва адраси

**Пойтахтимиздаги Икуо Хирояма маданият карвонсаройида ўзбек атласи ва адрасига бағишланган кўргазма очилди.**

Ўзбекистон Бадиий академияси, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Тошкентдаги JICA ва JETRO ваколатхоналари, Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университети ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмага япон усталари томонидан тайёрланган 298 та ранг-баранг ишлар қўйилган. Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университети профессори Макото Иикубонинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа доирасида ипак қурти сифатини ошириш ва ундан маҳаллий саноат моллари ишлаб чиқариш мақсадида Ўзбекистондаги бир қатор ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ





# Ҳунарманд хотин-қизлар

**ЎзМТДП ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА**

***Юртимизда истиқлолнинг илк давридан маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Хусусан, халқ амалий санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, миллий ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий ғамхўрлик қадриятларимиз давомчилари фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналарни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ ҳудудда асрлар оша яшаб келаётган, аждодлардан мерос миллий ҳунармандчилик қайтадан тикланиб, сайқал топмоқда.

3-бет

## ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Амалий ишлар фаолиятимиз мезони

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.***

Йиғилишда дастлаб ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Эътироф этилганидек, 2012 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича партия ҳудудий ташкилотлари томонидан 327 та турли мавзу, кўлам ва форматдаги тадбирлар ўтказилган. Лекин ЎзМТДП Деҳқонобод, Муборак ва Қамаши туман Кенгашлари мазкур масалада сусткашликка йўл қўйган, партия етакчилари тарғибот ишларининг сони ва сифатига беэътибор қарашган.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов сўзга чиқди. Нотиқ, Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида эълон қилинган Концепция ва жорий «Мустаҳкам оила йили» давлат Дастури доирасида партиянинг ишлаб чиқилган иш режаси асосида амалга оширилаётган ишларни Қашқадарё вилояти Кенгаши фаолияти мисолида таҳлил қилди. Мамлакатимизда демократик жараёнлар чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда кенг жамоатчилик ўртасида амалий ишлар билан партия нуфузини ошириш, унинг хайрихоҳлари сонини кўпайтириш, кадрлар салоҳиятини юксалтиришга ва энг муҳими электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

3-бет

## ЎзМТДПНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан "ЎзМТДП тизимида ижтимоий-маънавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.***



# Замонавий сиёсий технология ва лойиҳалар

**ПАРТИЯ ИШИ САМАРАДОРЛИГИ МЕЗОНИ**

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари девонининг ўқув-услубий ва ахборот-таҳлил бўлими мутахассислари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов кириш сўзи билан очар экан, партия иши самарадорлигини оширишда уни замонавий усуллар, хусусан, лойиҳалар асосида ташкил этиш ижобий самара беришини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунда юртимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида сиёсий партияларнинг жамият тараққиётидаги таъсир кучи тобора ошиб бормоқда. Бу сиёсий партиялар фаолиятида юз бераётган ўзгаришлар, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилаётган саъй-ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, ЎзМТДП олдида ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этиш, ташаббускорликни ошириш, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиш орқали партия сафини янада кенгайтириш каби қатор долзарб вазифалар турибди.

2-бет

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Почта алоқаси тўғрисида"ги (босма матбуот нашрларини тарқатиш доирасида) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ижросини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил натижалари муҳокама этилди.***

# Оммавий ахборот воситалари

**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИМИЗНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

**ЎзМТДПНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ**

## Замонавий сиёсий технология ва лойиҳалар

(Давоми. Боши 1-бетда)

### ПАРТИЯ ИШИ САМАРАДОРЛИГИ МЕЗОНИ



Бу борада ҳудудий партия ташкилотларининг маънавий-маърифий ва мафкуравий ишини янгича технологиялар асосида ташкил этиш, партиямиз аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий малакаси ва кадрлар салоҳиятини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларида таъсирчан шакл ва услубларни такомиллаштириш, партия электорати билан ишлашда депутатлик гуруҳлари ўрни ва ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўйлайманки, партия Марказий Кенгаши томонидан ЎзМТДП ғоясини кенг ва самарали тарғиб этишда янги сиёсий технологиялар: баҳс ва муҳокама, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдимот билан чиқиш каби усулларда ўтказиш методикаларини ўргатиш ҳамда партиявий тадбирларда интерактив усуллардан фойдаланиш, тренинглар ўтказиш, нотиқлик қобилиятини шакллантиришга қаратилган мазкур янги лойиҳа ўзининг ижобий самарасини беради, - деди партия етакчиси.

Ўқув-семинар давомида иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Дастури ва сайловолди Платформаси доирасида амалга оширилган лойиҳалари: натижа ва муаммолар, "Мустаҳкам оила йили" давлат Дастури юзасидан партия томонидан ижтимоий-маънавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича кенг тушунчалар берилди.

Ўқув-семинарда иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, амалий машғулотларда иштирок этишди, олган билим ва кўникмалари асосида лойиҳалар, семинар-тренинглар ишлаб чиқиб, тақдимот ўтказишди.

***Аловиддин УМАРОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ўқув-услубий, ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи:***



— Мазкур ўқув-семинардан кўзланган асосий мақсад жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, партия фаолларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда кейинги сайловларга тайёргарлик кўришни кучайтиришдир. Шунингдек, ушбу семинарда иштирок этаётган партиямизнинг энг фаол, ташаббускор ҳамда интеллектуал салоҳиятга эга ёшлари тажрибали тренерлар сифатида тайёрланиб, партия мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, партия тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар.

Ушбу янги лойиҳанинг яна бир аҳамиятли томони иштирокчилар учун махсус ўқув қўлланма ишлаб чиқилгани, десак муболаға бўлмайди. Бу партия фаолларига жойларда турли тарғибот тадбирлари, ўқувлар ва семинар-тренинглар ташкил этиш ҳамда партиявий лойиҳаларни ишлаб чиқишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

***Акмал АБДУЛЛАЕВ, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича бош мутахассиси:***



— Юқори савияда ташкил этилган мазкур ўқув-семинар ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштириш, партиянинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишини янада кучайтириш, малакали кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзолари, мутахассислар, партия ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг сиёсий фаол бўлиши, партия устав ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни, аввало, ўзи яхши билиши ва шундан сўнг аҳоли орасида тарғиб қилиши лозимлигига эътибор қаратдилар. Шунингдек, ўқув-семинар давомида турли интерактив усулларда партиямиз томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилди. Айниқса, ижтимоий-маънавий лойиҳаларни тузиш ва уни амалга ошириш бўйича олиб борилган амалий машғулотларда янги билим ва кўникмаларга эга бўлдик. Жумладан, гуруҳимиз билан ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Оилавий тадбиркорлик — оила мустаҳкамлигининг таянчи" мавзусида лойиҳа тайёрлаб, бир туман миқёсида амалга ошириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқдик.

Бугунги ўқув-семинардан олган билим ва кўникмаларим асосида вилоят Кенгаши иш фаолияти учун зарур бўлган дастур тузишни мақсад қилиб қўйдим.

***Нурали ЖАМИЛОВ, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони мутахассиси:***



— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. ЎзМТДП олдида партия ташкилотларининг маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларини янгича йўлга қўйиш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда замонавий усулларни ишлаб чиқиш масаласи турибди. Мазкур ўқув-семинар давомида партия фаолиятини такомиллаштириш, сиёсий ўқувларни янги интерфаол усулларда ташкил этиш, тақдимотлар уюштириш, партия аъзолари сафини кенгайтиришнинг замонавий методларини қўллаш кўникмаларига эга бўлдик.

Семинарнинг биз учун энг аҳамиятли жиҳати — бу ерда олган билим ва кўникмаларимиз асосида мустақил равишда лойиҳаларимизни ишлаб чиққанлигимиз бўлди, десам муболаға бўлмайди. Масалан, гуруҳимиз билан "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари" ғоясига асосланган "Миллий ҳунармандчилик — қадриятларимиз бешиги" мавзусида лойиҳа ишлаб чиқдик. Унда асосан глобаллашув ва маънавий таҳдидлар авж олган ҳозирги пайтда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлашда миллий ҳунармандчиликнинг ўрни катта эканлигига эътибор қаратдик. Ушбу лойиҳа семинарда тақдим этилган энг яхши лойиҳа, деб топилди. Ўйлайманки, семинарда олган билим ва кўникмаларимизни жойларда партия фаолиятини янада жонлантириш йўлида самарали қўллай оламиз.

***Фахриддин АВАЗОВ, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича бош мутахассиси:***



— ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган бу каби ўқув-семинарлар иш фаолиятимизни янада такомиллаштириш имконини беради. Жумладан, семинарда партия ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий, сиёсий билимларимиз даражасини ошириш, шу билан бирга ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашнинг янгича услуб ва шаклларини ўргандик.

Ушбу ўқув-семинар ҳудудий партия ташкилотларида етакчи кадрлар захирасини шакллантиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, машғулотлар давомида партиянинг барча бўғинлари иш самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Қолаверса, тадбир воситасида ҳудудий партия ташкилотлари билан ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлдик. Масалан, семинардан сўнг вилоятимизга бориб олган билимларимиз асосида турли ўқув-семинарлар ташкил этиш истаги пайдо бўлди. Асосий эътиборни партиямиздан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари ва бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва уларнинг ташаббускорлигини оширишга қаратамиз. Зеро, ушбу саъй-ҳаракатлар орқали электорат манфаатларини ифода ва ҳимоя қилишга эришишимиз шубҳасиз.

***Зухра ТАЖИХОДЖАЕВА, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:***



—Ўқув-семинарда фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришда замонавий сиёсий технология ва усуллардан фойдаланишни ўргандик. Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида халқ хоҳиш-иродаси муҳим масала ҳисобланади. Шу боис сайловчилар ишончини қозониш, партиямиз хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда ижтимоий-маънавий лойиҳалар ижобий самара бериши бот-бот такрорланди. Семинарда бу борада ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, эришилган натижаларни оммалаштириш юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

Ноанъанавий тарзда ташкил этилган мазкур ўқув-семинар эркин мулоқот, қизиқарли мунозараларга бой бўлди. Тренинглар давомида барча ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотларидан келган партия фаоллари ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқишда, ҳар жиҳатдан фаолликларини намойиш этишди.

***Барно БОЛТАЕВА, ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича бош мутахассиси:***



—ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан амалга оширилган ушбу янги лойиҳа барча ҳудудий партия ташкилотлари ишини янги поғонага кўтариш билан бирга, малакали етакчилар етишиб чиқишига хизмат қилиши шубҳасиз. Боиси ушбу ўқув-семинарда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали кадрлар салоҳиятини ошириш ва амалий ишлар самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув-семинар давомида иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган маърузалар қизиқарли ва долзарб мавзуларда танланганлиги, қолаверса, кўпроқ амалий машғулотларга эътибор қаратилгани тадбирнинг аҳамиятини янада оширди. Хусусан, партия Марказий Кенгаши хотин-қизлар масалалари бўйича олиб борган ишлари тўғрисида ахборотдан ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган кўрик-танловларда Жиззах вилояти вакилларининг иштирокини кучайтириш лозимлигини англадик.

Тадбирнинг амалий машғулотлар қисмида олган кўникмаларимиз воситасида бир қанча лойиҳаларни амалга оширишни режалаштириб қўйдик. Жумладан, ёшлар ўртасида "Ёш нотиқлар" лойиҳаси ҳамда Зомин туманида "Миллий анъаналар" мавзусида оилавий кўргазмаларни ташкил этишни мақсад қилдик. Шу жиҳатдан тадбир биз учун фойдали бўлди, деб ўйлайман.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

**ҲАМКОРЛИК**

## "Нуржаҳон"

### МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ

***Инсон қалбига завқ-шавқ ва ҳарорат улашувчи санъат турларидан бири фольклор этнографик қўшиқчиликдир. Шу боис аждодларимиз халқ оғзаки ижодини мусиқий тафаккурга эга бўлиш ҳамда юксак маънавият соҳибига айланишда етакчи воситалардан бири сифатида эътироф этганлар. Чиндан ҳам халқнинг боқий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ифодаловчи лапарлар, айтишувлар, халқ қўшиқлари азал-азалдан комил инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этган.***

Нурота туман марказий маданият уйи қошида ташкил этилган "Нуржаҳон" фольклор этнографик халқ ансамбли юртимиз мустақиллиги билан тенгдош. Ансамблнинг ташкил этилишида ўз меҳнат фаолиятининг асосий қисмини туман маданият соҳаси ривожига бағишлаган ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Саттор Ғаффоровнинг ҳиссаси катта. 5 ёшдан 85 ёшгача бўлган ижодий гуруҳдан иборат мазкур жамоага эндиликда Ражаб Жўмаев бадиий раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ансамбл ижодий труппасида халқ қўшиқчилиги санъати жонкуярлари ва бир гуруҳ ҳаваскорлар самарали ижод қилмоқда. Улар қадимий чолғу асбобларидан — доира ва қайроқ оҳанглари уйғунлигида халқимизнинг боқий қадриятлари, анъаналарини ифодаловчи қўшиқлар яратмоқда.

— "Нуржаҳон" фольклор этнографик халқ ансамблида фаолият юритаётган санъаткорларнинг аксарияти партиямиз аъзоларидир, -дейди Нурота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С.Ғаффоров. — Ушбу бадиий жамоа партия туман Кенгаши томонидан ташкил этилаётган тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Жумладан, "Маҳаллада ҳашар", "Кўпкари" композициялари ҳаётбахш анъаналар ифодаси сифатида ЎзМТДП тадбирларига кўрк ва файз бағишламоқда. Муҳими, ансамбл ижросидаги ватанни мадҳ этувчи, инсон қалби ва тафаккурига олижаноб туйғулар бағишловчи санъат дурдоналари ёшларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ансамбл жамоаси вилоят, Республика ҳамда қатор хорижий давлатларда ўтказилган турли кўрик танловлар, бутунжаҳон фольклор дасталари фестивалларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринга муяссар бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2009 йилнинг 12-13 июн кунлари Қўқон шаҳрида ўтказилган фольклор-этнографик жамоаларнинг Республика кўрик-танловида мутлақ ғолибликни қўлга киритганликлари жамоа ижодкорларини янги ютуқлар сари етаклади. Ансамбл репертуаридаги "Ўзбекистон", "Наврўз", "Нуротача туй", "Келин салом", "Чўпон таёғи", "Сумалак", "Палов", "Холайли", "Омочим", "Чўпон бола", "Кичкинажон", "Мойжувоз" каби қўшиқ ва айтишувлар Мустақиллик ва Наврўз умумхалқ байрамларида мунтазам равишда намойиш этилмоқда.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

**ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА**

## Мақсадга ваъдалар билан эришиб бўлмайди

***Жомбой Самарқанд вилоятида барча турдаги саноатни ривожлантириш учун энг қулай имкониятларга эга бўлган туманлардан бири саналади. Боиси туман вилоят марказига яқин жойлашган, ҳудудидан темир йўл, халқаро автомобиль йўли ўтади. Бу эса инвестиция киритиш, ҳамкорлар билан яқин ва барқарор алоқа ўрнатиш имкониятини юзага келтиради. Шу боис туманда саноат корхоналари кундан-кунга кўпайиб, тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Жорий йил ҳисоб-китобларига кўра туманда айни пайтда 8 та йирик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Кичик бизнес субъектлари сони 587 тани ташкил этади.***

Жомбой туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган маълумотларга кўра, туманда 146,4 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Кузатишлар, туман ҳокимлиги ва тегишли идоралардан олинган расмий маълумотларни таҳлил қилиш асносида шундай туманда айрим тадбиркорлар фаолияти барқарор давом этмаётгани, янги очилганлари турли сабабларга кўра ишламаётгани ёхуд фаолиятини тўхтатаётгани аён бўлди. Келинг, аниқ далилларга мурожаат этайлик. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида 105 та кичик бизнес субъекти турли сабаблар билан ўз фаолиятини тўхтатган. Хусусий тадбиркорлар сони гарчи туманда 1995 та деб қайд қилинган бўлса-да, аслида уларнинг 330 таси фаолият юритаяпти. 2011 йил давомида 158 та якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти ташкил этилган бўлса, 69 таси тугатилган.

Хўш, ташкил этилиб, сал ўтмай тўхтаб қолаётган ёки тугатилаётганлигининг асосий сабаблари қаерда ва нимада?

— Асосий сабабларидан бири тадбиркорлар фаолиятини бошлагандан кейин оёққа туриб оладиган даражада маблағ топа олмаётганидадир, - дейди туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи Муҳиддин Номозов.

— Тадбиркорларимизда ҳуқуқий саводхонлик етишмайди, - дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Мақсуд Каримов.

Ана шундай ҳолатлардан кейин табиий равишда айрим хулосалар чиқара бошлайсан: парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда "Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш"-ни ваъда қилган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман Кенгаши сайловларда берган ана шундай олийжаноб ваъдаларини унутишган кўринади. Акс ҳолда давлатимиз тадбиркорликка катта эътибор қаратаётган, имтиёз, имконият ва шароитлар бераётган бир пайтда ЎзЛиДеПчилар унинг жойлардаги ижросига бефарқ ва лоқайд қарашмаган бўларди.

Туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Илҳом Ниёзовнинг маълумотларига қараганда халқ депутатлари туман кенгашида ЎзЛиДеПдан 11 нафар, ЎзХДПдан 8 нафар, ЎзМТДПдан 5 нафар, "Адолат" СДПдан 1 нафар депутат фаолият кўрсатади. Бироқ, сон жиҳатдан нисбатан кўпчиликни ташкил этадиган ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳининг бу борадаги фаоллиги деярли сезилмаяпти.

—Биз, асосан, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, автомобилларни созлаш бўйича фаолият юритамиз, - дейди хусусий тадбиркор Шуҳрат Бобоқулов. — 1998 йилда тадбиркорликни йўлга қўйганман. Шу пайтгача 6 та иш ўрни ташкил қилдик. Ниятимиз — хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан янги иш ўринларини янада кўпайтиришдан иборат. Лекин биз ҳозиргача бирорта сиёсий партиянинг амалий саъй-ҳаракати ёки мададини сезганимиз йўқ.

Тадбиркорлар дуч келаётган айрим муаммоларни бартараф этишга кўмаклашишни ўз зиммасига олган ЎзЛиДеПчилар муаммоларни атайлаб кўз юмаётган, кўриб-кўрмасликка олаётган кўринади. ЎзЛиДеП тадбиркорлардан ҳол сўраш нари турсин, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини оширишга қаратилган бирорта тадбир ҳам ўтказмаган.

Қанча овора-ю сарсон бўлмайлик, туманда ЎзЛиДеПчиларни топиб, суҳбатлашиш имкони бўлмади. Бахтга қарши бошқа масъуллар ҳам муҳим ишлар билан банд эканлар. Қисқача айтганда, Жомбойдаги ЎзЛиДеПда ҳозир ана шунақа аҳвол.

**Туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Илҳом Ниёзовнинг маълумотларига қараганда халқ депутатлари туман кенгашида ЎзЛиДеПдан 11 нафар, ЎзХДПдан 8 нафар, ЎзМТДПдан 5 нафар, "Адолат" СДПдан 1 нафар депутат фаолият кўрсатади. Бироқ, сон жиҳатдан нисбатан кўпчиликни ташкил этадиган ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳининг бу борадаги фаоллиги деярли сезилмаяпти.**

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Амалий ишлар фаолиятимиз мезони

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, турли мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар, конференциялар, давра суҳбати ва ўқув-семинарларнинг самарадорлигини ошириш, уларни ўтказишда партия Устави ва Дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиш зарурлигига эътибор қаратди.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш масалалари юзасидан ҳам аниқ вазифалар белгиланди. Маълумки, партия Марказий Кенгаши томонидан депутатлар фаолиятини тубдан кучайтириш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида партия депутатлик гуруҳлари олдига жойларда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш", "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" ва "Ҳудудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" масалаларини ташаббус сифатида маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига киритиш тавсия этилганди. Йиғилишда мазкур масаланинг ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Жойлардаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ишида камчиликлар кузатилаётгани, айниқса, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича депутатлик гуруҳлари фаолиятида ташаббускорлик ва фаоллик етишмаётганлиги ҳамда мазкур масаланинг ечимини топишда аниқ механизмларни ишлаб чиқиш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш,партия сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш олдимизда турган муҳим ишлар сирасига киради,- деди йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП МК ИҚ раиси ўринбосари У.Муҳаммадиев.

Пленумда Сайфулла Махматмўминов ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси этиб сайланди.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ



(ЎзА) олган суратлар.

## Ҳунарманд хотин-қизлар

**ЎзМТДП ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси электоратини асосан ҳунармандлар, халқ усталари, касаначилар, шунингдек, ижодий соҳа вакиллари ташкил қилади. Шундай экан мазкур соҳани янада ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар орасида унга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, устоз-шогирд анъаналарини тиклаш ва давом эттириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни қизиқтираётган масалаларда яқин кўмакчи бўлиш партиядан сайланган депутатлар гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради.

— Бугунги кунда Чироқчи туманида истиқомат қилаётган 310 минг нафардан ортиқ аҳолининг 8 фоизи ҳунармандчилик билан шуғулланади,- дейди ЎзМТДП Чироқчи туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммади Келдиев. — Уларнинг аксарияти хотин-қизлардан иборат бўлиб, миллий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари, яъни тикувчилик, гиламчилик, сўзана, зардўзлик, кашта ва қуроқчилик, дўппидўзлик, чопон тикиш каби йўналишларда фаолият олиб боришади. Эътироф этиш жоизки, "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими билан йўлга қўйилган изчил алоқа ва ҳамкорлик ҳунарманд хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг туман ва вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловларда иштирокини таъминлашга замин яратмоқда.

**Дарҳақиқат, бугун жамиятда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, турли соҳаларда улар фаоллигини оширишга қаратилаётган эътибор туфайли аёл — она, аёл — муаллим, аёл — раҳбар, аёл — депутат, аёл — тадбиркор сифатида мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожланиб боришига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Самарали меҳнат қилиб келаётган хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва улар фаолиятини янада кенгайтиришда кўмакдош бўлиш сиёсий партияларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.**

Дарҳақиқат, бугун жамиятда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, турли соҳаларда улар фаоллигини оширишга қаратилаётган эътибор туфайли аёл — она, аёл — муаллим, аёл — раҳбар, аёл — депутат, аёл — тадбиркор сифатида мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиб боришига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Самарали меҳнат қилиб келаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада кенгайтиришда кўмакдош бўлиш сиёсий партияларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

— Партиямиз электоратидан саналган миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, - дейди ЎзМТДП Чироқчи туман Кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Раҳима Нурмаматова. — Бу саъй-ҳаракатлар эвазига нафақат оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, балки кўплаб иш ўринлари ҳам яратилишига эришилмоқда. Ҳозиргача 6 минг нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланиб, 10 минг нафардан ортиқ шогирд тайёрланди. Биргина тикувчи Юлдуз Каримова ҳар ой 5 нафардан шогирд тайёрлайди. Унинг шогирдлари бир йилда 60 нафарга етади. Шогирдларидан бири Моҳира Кенжаева Кўкдала қўрғонида ўз фаолиятини хонадонларга турли кўринишдаги бежирим пардалар тикиш билан давом эттириб келмоқда. Бундан ташқари ёшлар ва уй бекаларини оилавий тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида "Моҳир қўллар", "Моҳир гиламдўз", "Пазанда аёл" каби мавзуларда турли кўрик-танлов ва мусобақалар ташкил этилмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳудуддаги ҳунарманд хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтириш партия туман Кенгашининг доимий эътиборида.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

## Ҳудудий ташкилотлар тадбирлари

**МАЗМУН-МОҲИЯТИ ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ**

### ТОШКЕНТ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман Кенгаши, Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғи, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида "Гиёҳвандлик — умр заволи" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши девони ходимлари, партия туман Кенгашлари раислари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида қайд этилганидек, юртимиз ёшларини турли ёт иллатлар, яъни "оммавий маданият" таъсиридан асраш, уларни маънавий юксак, баркамол инсонлар этиб тарбиялашга кўмаклашиш партиянинг устувор вазифалари сирасига киради, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Бобоев. — Мазкур тадбир ёшлар онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли ёт иллатларга қарши курашнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот бериш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олганлар менталитетимизга хос бўлмаган иллатларга қарши курашиш учун аҳоли ўртасида оила, мактаб, маҳалла, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш лозимлигини эътироф этди. Шунингдек, ёшларни "оммавий маданият" таъсиридан асрашда улар онгида ватанга, ота-онага, дўстларига нисбатан меҳр-муҳаббат ва садоқат каби эзгу фазилатларни шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир давомида эстрада хонандалари ва ҳаваскор ижрочиларнинг куй-қўшиқлари иштирокчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

### САМАРҚАНД

Жамиятнинг асосий бўғини оила — келажак авлод вакилларининг қалби ва тафаккурида эзгу фазилатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган муқаддас даргоҳ саналади. Ота-боболаримиз оилани азалдан қадриятларимиз бешиги сифатида ардоқлаб келганлар. ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ана шу йўналишда қатор тарғибот тадбирлари — давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этиб келмоқда.

Ана шундай давра суҳбатларидан бири ЎзМТДП Пайариқ туман Кенгаши, "Камолот" ЁИҲ туман бўлими кенгаши, "Гўзал" маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда "Юксак маънавиятли оила — мустаҳкам жамият ва барқарор давлат таянчи" мавзусида ўтказилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар оила ёшларда мустақил фикр, дунёқараш, тафаккур ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, юрт тараққиёти ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўша оладиган садоқатли фарзандларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Эътироф этилганидек, ёшлар онгида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказишда мана шундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

Тадбир сўнггида маҳалладаги намунали ва ибратли оилалар билан ёш оилаларнинг учрашувларини ташкил қилишга келишиб олинди.

### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Ғузор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан "Миллий ҳунармандчилик — миллий ғуруримиз" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, асраб-авайлаш, соҳага ёшларни жалб қилиш, "устоз-шогирд" анъанавий мактабларини жорий қилиш орқали ҳунармандчиликнинг янги қирраларини очиш учун шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш лозимлигини эътироф этдилар. Шунингдек, ЎзМТДП асосий электорати саналган қадриятларимиз давомчилари манфаатларини таъминлаш, уларни ўйлантираётган масалаларни бартараф этиш юзасидан турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Тадбирда ёшларга ҳунармандчилик сир-асрорларини чуқур ўргатишда янги ва замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Миллий ҳунармандчиликни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳалла гузарлари, жамоат ташкилотларида "Миллий ҳунармандчилик — миллий ғуруримиз" мавзусида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш лозимлиги таъкидланди.

### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан "Миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни тарғиб қилишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция таҳририят ва журналистлар фаолиятида дастуриламал бўлмоқда,- деди ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Дилбар Бекжонова. — Маълумки, истиқлол йилларида соҳага оид қатор қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилингани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу эса соҳа ходимларининг жамият олдидаги бурч ва вазифаларини янада теран ҳис қилишга, замон билан ҳамнафас бўлиб, воқеаларни холис ва тўғри таҳлил қилишга ундайди. Қолаверса, ОАВ имкониятларидан оқилона фойдаланиш, хусусан, партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда матбуот ва телерадиокомпаниялар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш фаолиятимиз самарасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Мазкур давра суҳбати ҳам ана шундай эзгу мақсадлар рўёбига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар истиқлол йилларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка холисона ва тўғри етказишда ОАВ воситаларининг ўрни ҳамда бу борада ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган ишлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари хусусида сўз юритдилар.

Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди.

*Ўз мухбирларимиз*

БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

## Касаначилик ва оилавий тадбиркорлик

**БПТ ТАШАББУСИ БИЛАН АНА ШУ ЙЎНАЛИШДА 50 ДАН ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

***Бугунги кунда сиёсий партиялар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда. Улар жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, амалдаги қонунлар, давлат дастурлари мазмун-моҳиятини партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, тушунтириш борасида қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Бунда, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги муҳим ўрин тутади.***



— Қуйи бўғинларнинг самарали фаолияти сиёсий партиянинг мақсад ва ғояларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади, - дейди ЎзМТДП Қуйи Чирчиқ туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Холиқова. — Шу боис БПТлар зиммасига партиявий ишлар таъсирчанлигини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамоатчиликка партия дастурий мақсад ва вазифаларини тушунтириш каби масъулиятли вазифалар юкланади.

Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ниҳол-Аеротехсервис" тикув цехида тузилган бошланғич партия ташкилоти хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш, аёлларни миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликка жалб қилишда фаоллик кўрсатаётган қуйи бўғинлардан бири саналади. 50 нафарга яқин партия аъзосини бирлаштирган БПТга цех раҳбари Севара Ҳошимова етакчилик қилмоқда.

— Цехимиз, асосан, трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган, - дейди БПТ етакчиси. — Бундан ташқари харидорлар талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда мавсумий кийим-кечаклар ҳам тикилади. Айтиш керакки, ЎзМТДП билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик цех ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришга ёрдам бермоқда. Тикув цехи ишчилари асосан хотин-қизлардан иборат бўлгани боис қуйи бўғин аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишни бирламчи вазифаларидан бири сифатида белгилаган.

Таъкидлаш жоизки, БПТ партия туман Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни миллий ҳунармандчилик, касаначиликка жалб этиш, ҳудудда "устоз-шогирд" анъанавий мактабларини жорий қилиш, аёлларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашишга интилмоқда. Бунинг натижасида цехда БПТ ташаббуси билан 50 дан ортиқ қўшимча иш ўрни ташкил этилди.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ,**
**ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходими**

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

● ЁШЛАР ҚАНОТИ







## Баркамол авлод

### ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

*Ёшлар қалбида Ватанга садоқат, урф-одат ва анъаналаримизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини янада кучайтириш, ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан билимли, комил инсонлар этиб тарбиялаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий мақсадларидан биридир.*

Шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида туман Кенгашлари билан биргаликда турли фестивал, кўрик-танлов, мусобақа ҳамда тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Ёшлар қалби, онги-шуурига миллий истиқлол ғояси, азалий қадрият, миллий анъаналаримизни сингдириш, буюк аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ЎзМТДП Дўстлик туман Кенгаши "Ёшлар қаноти", "Камолот" ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, туман халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида "Биз ёшлар - ичкиликбозлик, жиноятчилик ва ОИТСга қаршимиз" мавзусида спорт мусобақаси уюштирилди. Унда 100 нафардан ортиқ ёшлар спортнинг узоқ масофага югуриш, арқон тортиш, арқонда сакраш, стол тенниси, шахмат-шашка ҳамда миллий кураш турлари бўйича белашдилар. Мусобақа якунида ғолиб деб топилган иштирокчилар партия томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ёшларни ватан ва халқ хизматига камарбаста, комил ўғил-қизлар этиб тарбиялашда бу каби мусобақалар муҳим ўрин тутади. Зеро, эртанги ҳаётимиз, миллий қиёфамиз қандай бўлиши, келажагимиз ворислари қандай қадриятларга эътиқод қилиб яшаши, уларнинг онгу тафаккурида қайси ғоя ва қарашлар ҳукмронлик қилишига эътиборсиз бўлмаслигимиз лозим.

Ана шундай тадбирлардан яна бири ЎзМТДП Ғаллаорол туман Кенгаши томонидан "Ўзбекистон - барчамиз учун азиз ватан" шиори остида ўтказилди. Унда эътироф этилганидек, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва инсон эркинлигини ўз ичига олган миллий ғоямизни асраб-авайлаш борасида ёшларга тушунтиришлар бериш, турли тарғибот тадбирларини мунтазам уюштириб, улар фикр-мулоҳазаларини тинглаш ҳамда шу асосда янги лойиҳалар ишлаб чиқишни давр тақозо этмоқда. Тадбирда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган урф-одатлар, қадимий қадамжоларимизни асраб-авайлаш, ҳар бир масканни обод қилишда ўз ҳиссамизни қўшиб, уни келажак авлодларга етказиш лозимлиги кўргазмали қуроллар ва видео роликлар воситасида намойиш қилинди.

**Рустам НУРМАТОВ,**
**ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси "Ёшлар қаноти" етакчиси**

● ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ

***Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида таълим тизимини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш, модернизация қилиш ва жаҳон стандартларига мослаштиришни тақозо этди. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг қабул қилиниши ва муваффақиятли амалга оширилиши юртимиз таълим тизими равнақи учун муҳим аҳамият касб этди.***

## "Фан — таълим — ишлаб чиқариш"

### ИНТЕГРАЦИЯСИ ЯХШИ САМАРА ВА НАТИЖАЛАРНИ БЕРАЯПТИ

Қолаверса, истиқлол йилларида мамлакатимизда устоз-мураббийларга, илм аҳлига эҳтиром кўрсатиш борасида эзгу ишлар қилинди. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 24 июлдаги «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эса мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган таълим тизими ислоҳотларининг навбатдаги босқичи бўлди. Зеро, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминламасдан туриб бугун соҳада кўзланган пировард мақсадларга эришиб бўлмайди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда долзарб аҳамиятга эга. Илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида турли соҳалар учун талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш мамлакат тараққиётининг навбатдаги босқичида энг муҳим талаблардан биридир.

«Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорга мувофиқ мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари орасида биринчилар қаторида Урганч Давлат университетида 2011 йилда қарийб 7,38 млрд. сўмлик маблағ ҳажмида янги типдаги замонавий ўқув биносининг қурилиши ҳамда талабалар турар жойи биносининг реконструкция ишлари бошлаб юборилган бўлса, жорий йилда яна бир қатор ўқув биноларида 8,7 млрд. сўмлик маблағ ҳажмида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугун Урганч давлат университети жамоаси давлатимиз томонидан қаратилаётган бундай юксак эътибор, баркамол авлодни вояга етказиш йўлида таълим тизимига киритилаётган ижтимоий инвестицияларни чуқур ҳис қилган ҳолда таълим жараёнини илмий тадқиқотчилик фаолияти билан уйғунлаштирган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўзларининг ҳиссасини қўшишга бел боғлаганлар. Бу борада университетда таълим жараёнининг сифати ва малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фан ва таълим, инновацион ғоя ва ишланмаларни яратиш ҳамда амалиётга татбиқ қилишда республикамиз ва ривожланган хорижий давлатлардаги нуфузли муассасалар билан алоқаларни янада кучайтиришга катта эътибор қаратилган. Зеро, университетда амалга оширилаётган халқаро лойиҳаларнинг умумий молиявий ҳажми сўнгги 3 йил ичида икки баравардан кўпроқ ошгани ҳолда ўтган 2011 йилда 1,806 млрд. сўмга етди. Бу эса таълим ва илмий тадқиқотчилик фаолиятидаги корпоратив ва халқаро ҳамкорлик самарадорлигининг яққол ифодасидир.

Университет жамоаси томонидан 2008-2011 йилларда "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" республика ярмаркаларида 75 та лойиҳа тақдим этилиб, улар асосида қарийб 500 млн. сўм ва 302 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқотчилик фаолиятини янада ривожлантиришга йўналтирилган бўлса, жорий йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган V-Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" кўргазмасида профессор-ўқитувчилари ва талабаларимиз саноат, қишлоқ хўжалиги, соғликни сақлаш, ахборот технологиялари, фан ва таълим соҳаларига оид 22 та лойиҳа билан фаол иштирок этиб, 422 млн. сўмлик шартнома туздилар ва 102 млн. сўмлик дастлабки келишувга эришди. Эътиборли жиҳати, ушбу лойиҳаларда ёш тадқиқотчилар ва иқтидорли талабалар бевосита иштирок қилиб, илмий салоҳиятларини оширмоқдалар.

Ушбу натижаларга эришишда университет ва Хоразм Маъмун академияси олимлари илмий ҳамкорлигининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, уларнинг ҳамкорликда яратган инновацион ғоялари нафақат вилоятимизда, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалиётга тадбиқ этилаётгани диққатга сазовор. Қолаверса, "Фан-таълим-ишлаб чиқариш" интеграциясини мустаҳкамлаш йўлида турли фан соҳалари бўйича кўплаб олимларни қамраб олган Хоразм Маъмун академияси бугун ёшларнинг таълим марказига ҳам айланган.

Урганч давлат университети ва Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан яратилган «Барокот» биоростловчиси кўп йиллардан буён лаборатория ва дала тажрибаларида синаб келингани ҳолда дастлабки ихтиро гувоҳномаси ҳам олинган. Биоростловчи препарати билан чигит, буғдой, маккажўхори ва сабзавот экинларининг уруғлари ишланганида унувчанлик хусусиятлари тезлашиши, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш даври қисқариши, ҳосилдорлик ортиши, ҳосилнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлиши кузатилган. Биоростловчининг афзаллик ҳусусиятлари республикамизнинг Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида ўтказилган амалий дала тажрибаларида ҳам исботланди.

Вилоятимиздаги айрим фермер хўжаликлари биоростловчини бир неча йиллардан буён мустақил равишда қўллаб юқори натижаларга эришиб келишмоқда. Жорий йилда олимларимиз ташаббус билан чиқишиб, кўп йиллардан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида вилоятимизда оқсоқланиб келаётган Хазорасп (10215 гектар) ва Қўшкўпир (11300 гектар) туманларида жами 21515 гектар ерга ғўза чигити биоростловчи билан ишланган ҳолда экилди. Дастлабки кузатишларга кўра, ҳосилдорлик 5-7 центнерга ортиши кутилмоқда. Олинадиган қўшимча ҳосил 10 минг тоннани ташкил қилади ва вилоятимиз иқтисодиётига қарийб 20 млрд. сўмлик соф фойда келтиради. Бу эса олимларимизнинг давлатимиз томонидан вилоятимизнинг етакчи таълим масканларидан бири бўлган Урганч давлат университетининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган қарийб 16,1 млрд. сўмлик ижтимоий инвестициясига жавоби, юртимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлидаги улуши, самараси ва натижаларидир. Бу борадаги ишларни келгусида вилоятимизнинг барча туманларида амалга ошириш, воҳамиз иқтисодиётини юксалишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиш—асосий мақсадимиздир.

**Рўзимбой ЭШЧАНОВ,**
**Урганч Давлат университети ректори, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати**

● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Оммавий ахборот воситалари

### ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИМИЗНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот, алоқа ва ахборотлаштириш агентликлари, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлиги мутасадди ходимлари, почта ва матбуот тарқатувчи ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасига кўрсатилаётган юксак эътибор уларнинг эркин фаолият олиб бориши, том маънодаги мустақиллиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан, ахборот соҳасида тизимли ва самарали ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб, мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Натижада ОАВнинг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда уларнинг умумий сони 1254 тани ташкил этиб, шундан 60 фоизи нодавлат ОАВ ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг таъсири бугунги кунда жамият ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун янги истиқболларни очиб берди.

Назорат-таҳлил тадбирини ўтказиш давомида қўмита аъзолари томонидан жойлардаги ОАВни янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, нодавлат босма нашрлар ва телерадиоканаллари фаолиятини янада кенгайтириш орқали миллий ахборот маконида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда эътироф этилганидек, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ва "Почта алоқаси тўғрисида"ги Қонунларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятида бугунги кунда 76 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда, улардан 41 таси нодавлат ОАВ ҳиссасига тўғри келади. Босма нашрларнинг бир марталик умумий адади 130 минг нусхани ташкил этади. Вилоятда босма ОАВ маҳсулотларини тарқатишни почта алоқаси бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" корхонаси ("Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида обуна бўлинган ва чакана савдога чиқарилган ОАВни 18 та шаҳар ва туман почта алоқа тармоғи, 327 та алоқа бўлими, "Матбуот тарқатувчи" вилоят шўъбасининг 88 та корхонаси) шунингдек, босма маҳсулотларни тарқатишга ихтисослашган "Қибрай матбуот", "Интернет-пресс" ва "Callion" каби хусусий корхоналар амалга оширмоқда.

Қашқадарё вилоятида ҳам бугунги кунда 76 та ОАВ фаолият юритмоқда. Шундан 45 номдаги газета, 3 та журнал, 3 та телевидение, 2 та радио ва 23 та интернет-нашр аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 31 таси нодавлат ОАВ саналади. Босма матбуотнинг бир марталик умумий адади 103 минг нусхани ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу вилоятларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари жамиятимизда юз бераётган янгиланишлар, ислоҳотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида, уларни янгича мазмун билан бойитиш ва янада чуқурлаштиришга ҳам муносиб улуш қўшиб келмоқда. Бу борада соҳа ходимлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Шунингдек, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари аҳолисини вақтли матбуот билан таъминлаш мақсадида, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ вилоят филиаллари томонидан даврий нашрларга обуна қабул қилиш, буюртмаларни расмийлаштириш ва ишлов бериш йўлга қўйилган. "Матбуот тарқатувчи" АК веб-сайти орқали обуначиларга интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Мижозларга масофадан туриб компания томонидан тарқатилаётган даврий нашрларнинг барча турлари билан танишиш ва обуна бўлиш имконияти яратилган.

Анжуманда сўзга чиққанлар ОАВ ходимларининг малакаси, билим ва савиясини, тажриба ва маҳоратини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, фаолиятини замонавий қоидалар асосида ташкил этиши, таҳририятларга малакали журналист кадрларни жалб қилиш, интернет журналистикани ривожлантириш, улар фаолиятига замонавий медиа-технологияларини жорий этиш хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда бугунги, тез ўзгариб ва мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар ОАВ олдига масъулиятли вазифалар қўяётганига эътибор қаратилди. Ана шундай бир вазиятда мустақил онг ва фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш, шу жумладан, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларидан асраш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга соҳа вакилларининг дахлдорлигини ошириш энг устувор ҳамда масъулиятли вазифа эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлиги раҳбарларининг ахбороти тингланиб, муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

***Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Қўмита томонидан жойларда оммавий ахборот воситаларига оид қонунлар ижросини ўрганишдан кўзланган асосий мақсад, бугунги кунда мана шу соҳага доир қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш, қолаверса, Концепцияда таклиф этилган янги қонунларга соҳада банд бўлган ходимларнинг таклиф ва мулоҳазаларини олишдан иборат. Мана шу маънода яқинда Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Почта алоқаси тўғрисида"ги Қонунлар ижроси ўрганилди. Албатта, мазкур қонунлар ижросини ўрганиш жараёнида, соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Тошкент вилоятида нашр этилаётган босма оммавий ахборот воситалари 100 фоиз рангли усулда чоп этилмоқда ва бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 74 фоизни ташкил қилгани қувонарли ҳол, албатта. Назорат-таҳлил натижаларига кўра айни пайтда медиа соҳасига тааллуқли айрим қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашда жойларда муайян камчиликлар ҳам борлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, муассислар билан таҳририятлар ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар тўла бажарилмаётгани, оммавий ахборот воситаларининг чиқарилишига доир маълумотларнинг тўлиқ кўрсатилмаслиги, газета ва журналларни чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаш, эфирга узатишда белгиланган талабларга риоя этилмаётгани шулар жумласидандир. Бу камчиликларга барҳам бериш юзасидан мазкур йиғилишда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда тегишли тавсия ва таклифлар берилди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ТАРҒИБОТ

## Оила мустаҳкамлиги

### ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИДИР

***ЎзМТДП Пешку туман Кенгаши томонидан "Оиланинг иқтисодий барқарорлиги жамият тараққиётининг асосидир" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда туман ФҲДЁ бўлими ходимлари иштирок этди.***

Тадбирни очган ЎзМТДП Пешку туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ф.Узоқов жорий "Мустаҳкам оила йили"да амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни тўғрисида гапирди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан туман ФҲДЁ бўлими мудири Д.Зиёдуллаева ўз сўзида соғлом фарзанд ва мустаҳкам оиланинг замини, аввало, ёшларни оилага тайёрлаш ва улар маънавиятини юксалтиришга боғлиқ эканини таъкидлади. Шунингдек, қизларни барвақт турмушга беришнинг зарарли оқибатлари ҳақида гапириб, бундай салбий иллатларга йўл қўймаслик борасида ҳам тўхталиб ўтди.

ЎзМТДП туман Кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари Г.Раҳматова ҳудудда ёш оилаларга давлатимиз томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, касаначи ва кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча ижобий тадбирлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Тадбирда сўзга чиққан туман хотин-қизлар қўмитаси диний маслаҳатчиси К.Жумаева мустаҳкам оила асоси бўлган ёш авлодни турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилишда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизнинг ўрнига эътибор қаратди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# МАЪНАВИЯТ

● “УСТОЗ-ШОГИРД”



## Зардўзлик ва каштачилик

### ТЎГАРАГИДА “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАСИ ДАВОМ ЭТМОКДА

***Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо миллий қадриятларини қайта тиклаш, эзгу анъаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республикамиз ҳунармандлари томонидан ибратли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, хотин-қизлар томонидан соҳада катта муваффақиятларга эришиляпти. Зеро, момоларимиз азалдан зукко она, тадбиркор уй бекаси, қўлигул ҳунарманд сифатида ном таратишган.***

Кўплаб ёшларнинг устози Муҳайё Акрамхўжаева ана шундай қўлигул ҳунарманд аёллардан бири саналади. У илк фаолиятини мактабда, ўқувчиларга расм, чизмачилик фанларидан дарс беришдан бошлаган. Ҳозир нафақада бўлса-да, ўзи истиқомат қилаётган Учтепа туманидаги Юсуф Саккокий маҳалласида зардўзлик ва каштачилик тўгарагини ташкил этиб, маҳалланинг 60 дан ортиқ хотин-қизларига ҳунармандчилик сирларини ўргатиб келаётир.

Ўқитувчилик қилиб юрган пайтларида ҳам Тошкент шаҳар ўқитувчилар малака ошириш институтида ўқитувчиларга зардўзлик ва каштачиликдан дарс ўтган. Мазкур ҳунарлар бўйича бир неча дарслик ва қўлланмалар ёзган. 2000 йилда М. Акрамхўжаева “Халқ таълими фидойиси” унвони, 2004 йилда эса “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.

Ҳунармандларнинг ўзаро тажриба алмашиши, ўз қўллари билан ясаган маҳсулотларини, бор қобилият ва маҳоратларини намойиш этишлари учун турли кўргазма, аукцион, кўрик-танлов ва фестиваллар ўтказилади. Муҳайё опанинг шогирдлари бундай танловларда кўп бора ғолиб бўлишган. Жумладан, “Биз ижодкор ёшлар Ватан фарзандларимиз”, “Янги аср болаларимиз”, “Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам” каби кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб келишди. Санаб ўтилган кўрик танловларнинг сўнгисида улар республика босқичига чиқиб, совриндорлар қаторидан жой олишган.

Бу соҳанинг меҳнати, ютуқлари ва шогирдлари ҳақида қаҳрамонимиз шундай дейди:

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг самараси бугун ҳар жиҳатдан етук ва соғлом, спорт, санъат каби кўплаб соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётган фарзандларимиз тимсолида яққол бўй кўрсатиб турибди. Узоққа бормайлик-да маҳалламиздаги йигит-қизларни олайлик. Уларнинг юз-кўзларидан ўқиб-ўрганишга бўлган қизиқиш, иштиёқ борлигини кўриш мумкин. Тўгарагимизга келаётган қизларимиз ҳам зардўзилик ва каштачилик сирларини пухта эгаллашга интилаётганини кўриб ғурурланиб кетаман.

Ҳар бир жабҳада ривожланиш, ўсиш бор. Бу, албатта, давлатимиз томонидан берилаётган эътибор туфайлидир. Шу жумладан, ҳунармандларга яратилаётган шарт-шароитлар бу борадаги имкониятларимизни янада кенгайтирди. Айниқса, Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан ҳунармандлармиз қатъий белгиланган солиқ ва божхона тўловларидан маълум муддатга озод этилди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, ҳунармандлар 2014 йил 1 январга қадар бирқанча имтиёзларга эга бўлгани қувонарли ҳолдир.

Интилишларимиз “Ҳунарманд” уюшмаси, қолаверса, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда бошқа нодавлат- нотижорат ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиши, ҳунармандлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши биз ҳунармандларга янада рағбат бермоқда. Бу эътибор ва имкониятлар натижасида ёш ҳунармандларимизнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Улар орасида Сурайё Сайидахборова, Дилрабо Тошпўлатова, Раъно Сайидахмедова каби шогирдларим борлигидан фахрланаман. Бугунги кунда уларнинг ўзлари устозлик даражасига етиб, тўгаракларда хотин-қизларимизга ҳунар сирларини ўргатиш баробарида ўз маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришмоқда.

Юртимизда Муҳайё Акрамхўжаева каби ҳунармандлар оз эмас. Уларнинг миллий қадриятларимизни давом эттириб, келажак авлодга қолдириш борасидаги ишларида муваффақият тилаймиз.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

***Ўзбек халқи ўзининг миллий урф-одатлари, анъана ва маросимлари, боқий қадриятлари билан дунё халқлари орасида муносиб ўрин эгаллаган. Аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос, юксак даражадаги бадиий ижод намуналари, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари миллатимизнинг азал-азалдан маърифатли, маънавияти етук, баркамол миллат бўлиб шаклланганидан дарак беради.***

● БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

## Она меҳри

### АЛЛА СЕҲРИ ИЛА ТЎКИСДИР

Бадиий адабиёт, халқ оғзаки ижоди сўз санъати демакдир. Унинг хилма-хил, ранг-баранг жанрлари борки, уларнинг ҳар бири инсонга бадиий эстетик завқ бағишлайди, маънавий озуқа беради, орзу мақсадлар сари интилишга чорлайди. Қолаверса, фольклорда халқнинг дунёқараши, турмуш-тарзи, ниятлари, маънавий олами ва миллий менталитети ўз аксини топади.

Халқ оғзаки ижодида муносиб ўрин эгаллаган алла ҳам ўзининг фарзанд тарбиясидаги тутган ўрни билан жуда қадрлидир. Чунки алла меҳри уммондай жўш урган она қалбининг туб-тубидан отилиб чиқувчи ҳароратли ноладир. Шу боисдан алла қуёшдай сахийпарварлик, меҳрибонлик, иссиқ тафт ила ёқимли куйларда таралади. Жигарбандига бор меҳрию қалб кўрини бахш этиб бешик тебратаётган она ўз алласида эзгу орзу-истакларини, яхши ниятларини, бола келажаги ҳақидаги ўйларини қўшиб айтади. Улар шунчаки эмас, балки чиройли тасвирий бўёқларда, ёқимли оҳангларда куйланади. Она алласи орқали мурғаккина гўдак ҳаётни танийди, қалбида эзгулик ва яхшилик уруғлари ниш уради, маънавий-руҳий олами бойиб боради.

Алла сўзининг луғавий маъноси “овутиб, авайлаб ухлатиш” демакдир. Бироқ, алла фақатгина ухлатиш мақсадида эмас, балки ижтимоий-эстетик моҳиятига кўра яна бир вазифани бажариши билан аҳамиятли. Яъни, боланинг тарбиявий эстетик дунёқарашини шакллантиришда мазмундор ва оҳангдор аллаларнинг алоҳида ўрни бор. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино алланинг бу хусусиятлари борасида бир неча асрлар аввал шундай ёзган эди: “...боланинг (мижозини) қизиқишини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири — болани секин-аста тебратиш, иккинчиси — уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган оҳанг (мусиқа)да аллалашдир. Шу иккисини қабул қилишига қараб болада бадантарбия ва мусиқага бўлган истеъдод ҳосил қилинади”.

Демак, бундан кўрамизки, боланинг тинчгина ётиб ухлашида ҳам, келажакдаги камолотида ҳам алла муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда мусиқага бўлган қизиқишни шакллантиришда алланинг аҳамияти борасидаги фикрларга алоҳида тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда дунё мусиқа оламида кенг тарқалиб бораётган рок, реп сингари мусиқаларнинг ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётгани, бу қора кўланка ўзбек ёшларини ҳам четлаб ўтмаётгани борасида кўп гапирилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ёқимсиз, кучли шовқин ва ўта тушунарсиз ҳаракатни юзага келтирувчи, шовқиндан иборат бўлган баланд пардадаги мусиқалар инсон асаб тизими, юрак фаолияти ҳамда қон айланиши системасига жиддий тарзда зарар етказар экан. Майин оҳанг эса, аксинча, кишини тинчлантириб, ҳузур бағишлар, қалбда ёрқинлик ва эзгулик тараннумини уйғотар экан. Демак, алла оҳангида мурғак гўдакнинг уйқу элитиши бежизга эмас экан. Алланинг ёқимли, маҳзун куйида, онанинг дил қаъридан сизиб чиқаётган орзу-ўйлари тўкиб солинган нидо таъсирида жажжигина болакай ором олади. Шу орқали майин оҳанглар жозибадорлигига шайдо бўлиб улғаяди, мурғаккина қалбида беғубор ҳис-туйғулар, меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатлари куртаклайди. Одатда алла болаларнинг эмизикли давридан 3-4 ёшга тўлгунларича айтилади. Бола онги ва руҳияти ҳам айни мана шу даврда жуда тезкорлик билан шаклланади.

Аллаларнинг кашфиётчиси ҳам, куйловчиси ҳам оналардир. Аллаларнинг матнига эътибор берадиган бўлсак, улар асосан тўртликлардан иборат бўлиб, ҳар тўртлик сўнггида икки сатр бир хилда такрорланади. Нақоратларида боланинг исми ҳам қўшиб айтилади. Фарзанд она учун ҳамма нарсадан азиз, улуғ ва қадрлидир. Шу боис уни борлиғим, ягонам, дея ардоқлайди, суйиб эркалайди ва барини ўз алласида намоён қилади. Авлодлардан авлодларга ўтиб, сайқал топиб, оналик меҳрини, орзу-умидларини, истак ва хоҳишларини ифодалаб келаётганига қарамай, аллаларнинг қачон пайдо бўлгани номаълум. Бироқ, унинг қандай маънавий эҳтиёж туфайли юзага келганини А.Ветухов шундай изоҳлайди: “Она ўзининг туғма сезгирлиги билан бола учун фақат тинчлантирувчи ёрқин ва бир хил оҳангдаги қўшиқ кераклигини англайди. Шу зайлда алла шакли юзага келади. Ўша оналик сезгилари алланинг қандай мазмунга эга бўлишини айтиб туради - унда оналик қалбида қандай кўтаринкилик бўлса, ҳаммаси бор”.

Дарҳақиқат, олимнинг бу фикрлари “Алла ҳақида ривоятлар” тўпламида келтирилган қуйидаги ривоятда ҳам ўз аксини топган.

**АЛЛА СЕҲРИ**

Эмишки, қадимги бир замонда дунёни зулм, жаҳолату разолат қуршаб, Яратганнинг қаҳрига дучор бўлибди. Бутун жаҳонни қиёмат қўпибди. Шу куни қуёш ғарбдан чиқибди, дарёлар тескарисига оқибди. Қаттиқ бўрон туриб, теварак-атрофни ларзага солганча, ҳамма нарсани ер билан битта қила бошлабди. Одамлар саросималаниб, жазавага тушиб, жонларини асраш учун тиришар, аммо уларнинг бутун ҳаракати беҳуда эди.

Ана шундай инсонлар орасида бир ёшгина жувон ҳам нажот излаб ҳар томонга югурар, бироқ у атрофдагилардан фарқли тарзда ўзининг эмас, қўлидаги мурғак гўдаги ҳаёти учун курашар эди. У ёрдам сўраб эрига, отасига, барча қариндошларига борди. Аммо бор бойлиги, ҳаётидан ажралиш хавфида турган бу кишилар аёл додига қулоқ тутишмади. Ноилож қолган бечора аёл бош олиб, бир овлоқ жойга борибди-да, мук тушганча боласини овута бошлабди. Кейин эса жигарбандидан ажралиш хавфини туйиб, дил қаъридан бир ўтли нола қайнаб чиқибди. Нола аста-секин ҳазин куйга айланибди. Она бутун заҳматлари, оналик меҳри, фарзанди қайғусини ушбу куй оҳангига солиб, Яратганга муножот қила бошлабди.

Ниҳоят онаизорнинг ноласи Тангри даргоҳида қабул этилиб, борлиқни оний сукунат қамраб олибди. Ҳаёт ўз измига тушибди. Шундай қилиб разолату тубанлик ботқоғига тушиб ҳалокатга маҳкум этилган дунёни она муножоти — алла қутқариб қолибди.

Ушбу ривоятдан кўриниб турибдики, алла сеҳри қудратли кучга эга. Шунингдек, алла мазмунида замон ва давр ҳолати ҳам акс этади.

Халқимизда алла эшитмаган киши бўлмаса керак. Кимдир бувисидан, кимдир онасидан, кимдир аммасидан, албатта, алла эшитган, унинг ҳароратли оҳангини ҳис этган. Бундан кейин ҳам дунёга келаётган авлодларимизни асрлар оша бойиб бораётган мазмундор аллалар оҳангидан бебаҳра қолдирмайлик. Зотан, алла сеҳри бутун инсоният камолотидаги илк маънавий озуқа ҳисобланади. Қолаверса, аллалар замонларни замонларга уловчи оналар тилида келажак авлодларга улкан маънавий мерос бўлиб қолади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

● ТАДБИР

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб, “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.***

## Ёшлар фестивали

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси О.Маҳкамов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жамиятимизни модернизациялаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, ёшларни эзгу ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонун асосида мамлакатимиз таълим тизимида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик узлуксиз тизим жорий этилди. Барча шаҳар ва қишлоқларда замонавий мактаб, коллеж, академик лицейлар барпо этилди. Ёшларимиз ушбу таълим масканларида юксак технологиялар асосида билим олиш баробарида, муайян касб-ҳунарларни ҳам эгалламоқда.

Йигит-қизларни мустақил ҳаётга фаол интеграциялаштириш мақсадида “Коллеж-корхона-битирувчи”, “Устоз-шогирд” лойиҳалари амалга оширилаётгани ўз самараларини бераётир. Тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан анъанавий тарзда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари, турли кўрик-танловлар таълим муассасалари ва корхона, ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, ўсиб келаётган авлоднинг жамиятимиздан ўз ўрнини топишига кўмаклашишда улкан самаралар бермоқда.

— Биз таълим олаётган коллеж мустақиллик йилларида ташкил этилган замонавий таълим масканларидандир, - дейди Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи ўқувчиси Камолиддин Обидов. — Коллежимизда назарий ва амалий дарс ҳамда машғулотларни юқори технологиялар асосида ташкил этиш учун барча имкониятлар яратилган. Синфхоналар компьютер ва замонавий ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланган. Амалиёт хоналари ҳар бир йўналишга мос жиҳозлар билан таъминланган. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олмоқдаман. Жорий йилдаги амалий машғулотларимни Себзордаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш кичик корхонасида ўтадим ва етакчи мутахассисларнинг тажрибаларини ўргандим.

Фестиваль доирасида коллежларда таҳсил олаётган ана шундай иқтидорли ёшлар иштирокида турли йўналишлар бўйича маҳорат машғулотлари ташкил этилди. Унда ўқувчилар коллежларда ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази”да ташкил этилган тўгаракларда ўрганаётган касб-ҳунарларини намойиш этдилар.

Тадбир доирасида “Турон” яккакураши, “Ўзбек жанг санъати” тўгаракларида сабоқ олаётган ёшларнинг чиқишлари, спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар, ўқувчилар томонидан яратилган миллий ҳунармандчилик ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси, интерфаол ўйинлар, тарихий ва ҳуқуқий мавзуларда интеллектуал беллашувлар ташкил этилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
*ЎзА мухбири*

● НАШР

***Шуҳрат Жабборовни катта-ю кичик газетчи, телевидениечи журналистман, дегани яхши танийди. Энг биринчи сабаби ушбу ном Ўзбекистоннинг марказий матбуотида мана қарийб қирқ йилга яқин вақт ўтибдики, сўз айтиб келаётир. Сўз деганлари ҳам ҳар хил бўлади. Бири тошли-залворли, бири юксиз-аҳамиятсиз.***

## Рост сўзнинг кучи

### ЖУРНАЛИСТНИНГ ЯНГИ ТЎПЛАМИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛИБ ТУРИБДИ

Бекорга, кераксиз ёки номига қалам тебратиш Жабборовчасига эмас. Унда раҳматли домла (устознинг оталари) Жаббор Жўраевнинг нуқси қайда қолади? Жаббор бобо, айтайлик оддий бир мактабда раҳбарлик қилган бўлсалар-да, Жиззахдаги ҳар қандай даврада ўрни бор киши эдилар. У кишининг энг яхши одати ростсўзлик эди. Бирор мақоламиз газетда чиқиб қолса-ю, у киши буни мутолаа қилган бўлсалар, албатта бир-икки оғиз ширин сўздан кейин бобонинг рост фикридан ҳам баҳраманд бўлишга, алқисса камчиликларимизни ҳам билиб олишга тўғри келган пайтлар бўлган. Бундай рост сўзлар Шуҳрат Жабборовга неча бор айтилганини эса тасаввур қилаверамиз. Ўша устознинг боласи-ки, мана қарийб қирқ йилдир, ростсўзни айтиб келмоқда.

“Ўзбекистонда ким яхши яшайди” номли мўъжазгина китоб пайдо бўлибдики, илк устозим Усмон Очилов(раҳматли)нинг бир ҳикмати хаёлимдан кетмайди: “Журналистда кун тартиби деган гап бўлмайди. Агар у бир ишни бошласа, соат кечки олтидан кейин фикрлашдан тўхтаб дам олиш йўқ. У балким кечаси тушида ҳам ишлайди...” Ҳаётда бу таомилга риоя этадиган, туриш-турмуши журналистика бўлиб кетган ҳамкасбларимиз жуда кўп эмас. Мен ҳар доим ёнида ёндафтарча, кўйлагининг чўнтагида сиёҳи тўкилиб кетган бўлса-да, ручка ва албатта кўзойнагини олиб юрадиган кишиларни кўрсам, уларга айрича ҳурмат кўзи билан қарайман. Улар ростсўз одамлар, улар воқеани, суҳбат мағзини, келган фикрни тиригида, иссиғида ёзиб қўйишади, уларда ёлғонга, мужмаллик, тахминга, ўртача қилиб оладиган бўлсак, деган каби сўзларга ўрин йўқ. Наздимда, журналистика ана шундай ростсўзли журналистларга ҳамма даврларда ҳам эҳтиёжманд бўлиб келган, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Журналист ўқувчи манфаати учун ёзади. Ўқувчи эса ватандош, миллатдош, юртдош.

Журналист шу ёзганимдан бирор наф бўлсин, деб қалам тебратади. Бунинг учун у ўқийдиган, газетхонни жалб эта оладиган, юрагини жиз эттира оладиган қилиб ёзиши керак.

Журналист қаламга олаётган мавзусини маҳорат билан етказишни ҳам уддалаши лозим. Бунда энг биринчи бўлиб сарлавҳа иш беради. Шундан ҳам устозлар билиб айтишган: Сарлавҳа - ярим тош!

Китобга киритилган мақолалар, қайдлар, очеркларнинг сарлавҳасига эътибор қаратамиз, аниқроғи сарлавҳалар бизнинг эътиборимизни тортади: “Ноқулай одам”, “Уяли телефондан уялиб юрмайлик”, “Ўқиладиган қилиб ёзайлик”, “Президентга айтолмаган гапларим”, “Бизга бўлаверадими?”, “Ким ёлғон гапиряпти?”, “Эссиз, сал берироқда туғилмабмиз-да”... ушбу сарлавҳаларга кўзи тушган ўқувчи бу гапларнинг тагида нима ётибди экан, деб қизиқиши табиийлигига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, одам неча ёшда юқори малакали даражага етишиши мумкин? У қандай қилиб маҳорат эгасига айлана олади? Мисол учун, журналистнинг зўрлиги нимада кўринади? Назаримда, журналистга биринчи навбатда савод керак. Савод алифбоники, имлоники эмас, журналистик савод. У қандай мавзуни кўтармоқчи ва унинг мақоласи ушбу мавзунинг ривожида қандай натижа бериши лозимлигини ҳис этиб, ўқувчининг шу кўтарилаётган мавзуга нисбатан фикрини тиниқлаштириши, керакли ташкилот ёки шахснинг муносабатини шакллантириши лозим. Бунда малака мақоланинг иккинчи қуввати бўлиб хизмат қилади. Ёзиш малакаси. Нимагадир, ҳозир гапни бир хил бошлаш урф бўлган. Ҳамма журналист - газетчи ҳам, радиодаги ва телевидениедаги журналист ҳам ўхшаш сўзлардан бошлайди. Шунинг ўзиёқ савод борасидаги муаммонинг бўйини кўрсатади, назаримда. Мақолаларнинг баъзан кульминациясини топишга қийналасан киши. Яъни “таянч нуқта” йўқ! Ёзаётганнинг нима демоқчи экани ноаён! Демак, ўқилмайди бундай материал, мўлжални кўзламай отилган ўқ дегани бу. Жабборовда бундай бенишон гап йўқ. Чунки у билади: “*Журналистика ўзини қийнаган одам учун осон*”.




У англайди:“*Яхши мақола ёзиш учун кутиб ўтириш шарт эмас*”.

Унда шундай шиор ҳам бор: “*Шахс ўз камолотини ўз интилиши билан белгилайди*”.

Унинг мақсади эса: “*Ўқиладиган қилиб ёзайлик*”.

Унинг ҳамкасбларга шундай саволлари бор: “*Камчиликларнинг томирини ижобий нигоҳ билан очиш қўлингиздан келадими?*”

“Қоронғу жойга ёруғлик олиб кириш қўлингиздан келадими?”

Ва ниҳоят истаклар: “*Масалага чуқурроқ кириб бориш учун фикр ихчамлашиши керак*”, “*Сўзга чиқиш шарт эмас, фикр айтиш шарт*”, “*Ёзаётган сўзларингиз тарих. Тарихни сохталаштириш — гуноҳ*”, “*Шундай ёзингки, далада ишлаётган энг оддий деҳқон ҳам гап нимадалигини тушунсин.*”

Энди мақолалардан баъзи иқтибосларни келтираман: *“Бўйнимизга олайлик, ёзаётган ибораларимизга халқ донишмандлигининг нодир намуналари сингдирилмайди. Қуруқ идоравий, фақат ахборот берувчи жумлаларда жозиба етишмайди. Илгари қўл учида ёзилган матн қайта ишлашга тавсия қилингач, керакли даражада қиёмига етказиларди. Энди муҳаррирдан қайтган мақола икки кун ўтиб бошқа нашрда пайдо бўлиши оддий ҳолга айланяпти. “Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур”, деган нақл бор. Биз нега ўзимиз ҳам қизиқиб ўқимайдиган мақолаларни бошқаларга мажбуран тиқиштиришимиз керак? Мақсадимиз қўлига умид билан газета олган муштарийнинг маънавий эҳтиёжини қондириш эмасми?...”*

Назаримда, Шуҳрат Жабборовдан бўлажак журналистлар, бошловчи ҳамкасблар кўп сабоқ олишлари мумкин экан. Ахир бундай амалий тажриба дарсликларда учрамайди.

Муаллиф ушбу мўъжаз тўплами билан ўзига хос равишда “матбуот журналистикасига кириш” деган ўқув дарслигига баробар қўлланма ҳам туҳфа этган каби намоён бўлади.

**Ҳусан ЭРМАТОВ,**
**журналист**

# ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ



## Билим маскани

### ЎҚУВЧИЛАРГА КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТАДИ

***Оқтош тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи Самарқанд вилоятидаги намунали билим масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу билим даргоҳида 1829 нафар ўқувчи сартарошлик, бино ва иншоотлар қурилиши бўйича техник-архитектор, информатика ва ахборот технологиялари, тикувчилик, ишлаб чиқариш, маркетинг, архившунослик ва ҳужжатшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, мактабгача таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти, бошланғич таълим йўналишлари бўйича таҳсил олишмоқда. Коллеж ўқитувчилари ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, уларга фан сирларини пухта ўргатиш ишига жиддий эътибор беришади.***

— Бундан ташқари коллежда педагогик-технологик ўқув жараёнига татбиқ этиш, янги авлод дастурлари, услубий мажмуалар, ўқув қўлланмалар тайёрлаш, кўргазмали қуроллар, ўқув лаборатория жиҳозларидан ўз ўрнида фойдаланишга муҳим аҳамият қаратилади, - дейди коллеж директори Қувондиқ Каримов.

Ўқувчиларнинг етарли даражада билим олишлари учун маънавият ва маърифат хонаси, ЭҲМ хонаси, хорижий тилларни ўрганиш учун мўлжалланган лингафон синфи, иккита кимё хонаси ҳамда биология лабораторияси, иккита компьютер синфи, 44 та фан кабинети, замонавий спорт зали ва майдончалари, 100 ўринли ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида. Ўқув масканида ахборот-ресурс маркази ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда унинг базасида 10 000 га яқин адабиёт жамланган. Ўқув масканида ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ҳамда тарғибот ишлари замон талаблари даражасида уюштирилаётганини таъкидлаш лозим. Ҳафтанинг ҳар душанбасида педагогик-психологик тайёргарлик, сешанба куни касбий таълим, чоршанбада компьютер саводхонлиги, пайшанба куни эса мустақил малака ошириш кунлари ўтказилади. Бу ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу боисдан бўлса керак, коллеж ўқувчилари турли фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Фан олимпиадасининг инглиз, немис, рус тиллари фанларидан 3 нафар коллеж ўқувчиси вилоят босқичида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Коллеж ўқувчиси Ҳусан Номозов "Баркамол авлод" мусобақаларининг кураш тури бўйича вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Жамолиддин Улуғов 2011-2012 ўқув йилида ўтказиладиган фан олимпиадасининг вилоят босқичида ҳакамлар гуруҳида эксперт бўлиб иштирок этди.

Ўқув юртида 2 та умумтаълим, махсус фанлар кафедралари мавжуд. Тикувчилик, адабиёт гулшани, нафосат, ёш рассомлар, миллий каштачилик, ўлкашунослик, шунингдек, спорт тўгараклари ўқувчилар билан доимо банд. 2011-2012 ўқув йилида ҳам белгиланган режалар асосида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва кўрик-танловлар уюштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, ижтимоий ҳимоя, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий томондан рағбатлантириш, бўш вақтларини бекор ўтказмаслиги учун турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш педагогик жамоанинг доимий эътиборида.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ДАВРА СУҲБАТИ

## Кўмакка муҳтож оилалар

### ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***Яқинда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, БМТ Тараққиёт Дастурининг "Иш билан таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик" лойиҳаси, "Маҳалла" республика хайрия жамоат фонди ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси "Кўмакка муҳтож оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига ННТларни жалб этиш" мавзусида давра суҳбати ўтказди.***

Фонд Форум ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди 2010 йилдан бери "Ўзбекистондаги ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури" бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу лойиҳалар таълим, соғликни сақлаш, инфратузилма, экология, маданий ва миллий анъаналарни сақлаб қолиш сингари ижтимоий муҳим йўналишлардаги масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, 2010-2011 йиллар мобайнида мазкур грант дастури доирасида экспертлар кенгаши танловнинг жами 4 босқичи натижасида келиб тушган 279 та аризадан умумий қиймати 185 миллион 962 минг 526 сўмлик 279 та лойиҳани саралаб олди. Ижтимоий аҳамиятга эга бундай лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ННТлар 150 дан ортиқ ташкилотни ҳамкор сифатида жалб этган.

Танлов бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаяпти. Асосий мақсад, келгусида манзилли ижтимоий ҳимоя кўрсатиш ҳамда аёлларга меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришда кўмаклашишдан иборат. Доимий парваришга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларга уйда ижтимоий хизмат кўрсатишни кенгайтириш ҳамда кам таъминланган оилалар ва аёлларни оилавий бизнесга жалб этиш, янги иш ўринларини очиш ва бепул ижтимоий-тиббий хизматни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

***Моҳира ТОШХОДЖАЕВА, Тошкент шаҳар "Меҳр — кўзда" маркази раҳбари, грант ғолиби:***

— Бу бизнинг бешинчи маротаба қўлга киритган грантимиздир. Лойиҳамиз Паркент тумани Сўқоқ қишлоғидаги хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ўқув, бичиш-тикиш курсларини ташкил этишдан мақсад, уларни оилавий бизнес ва касаначилик билан шуғулланишга ўргатишдан иборатдир. Сертификатни оларканмиз, барча ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимизни билдириб қоламиз. Ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Давра суҳбати якунида Грант дастурининг 2012 йилдаги 1-босқич ғолибларига сертификатлар топширилди.

**Гулноза НОСИРОВА**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

***Бугунги кунда юртимизнинг барча гўшаларида ҳалол меҳнати, изланиш ва интилиши билан катта муваффақиятларга эришаётган тадбиркор фермерлар жуда кўп. Жалақудуқ туманида "Жалақудуқ оташ" фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Каримов ана шундай ҳамюртларимиздан бири. У бир неча йилдан буён фермер хўжалиги учун ажратилган 46 гектар экин майдонларидан мўл ҳосил етиштириб, эл-юрт ўртасида ҳурмат ва эътибор топмоқда.***

## Эл билан ҳамнафас

Дастлабки йилларда пахтадан 27 центнердан хирмон кўтарган бўлса, ўтган йили ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди. Жорий йил режалари янада улкан. Бунинг учун 32 нафар хўжалик аъзолари билан бирга аҳиллик билан меҳнат қилиб, барча агротехник тадбирларни бекамі-кўст бажаришга астойдил интиляпти. Энг муҳими, ўз ютуқларидан ҳаволаниш бу фермерга ёт. У ҳамиша қишлоқдошлари, маҳалладошлари билан ёнма-ён, ҳамнафас. Қувончу ташвишларини барча билан баҳам кўришга одатланган.

Ўтган йилларда фермер хўжалигидан олаётган фойда ҳисобидан маҳалласини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, кўчаларга асфальт ётқизиш, ободонлаштириш ишларига ўзининг беминнат ҳиссасини қўшди. Тадбиркор фермер олдига иш сўраб келганларни иш билан таъминлашга астойдил ҳаракат қилади. Ўз хўжалигида имкон бўлмаса бошқа тадбиркорларга айтиб бўлса ҳам ишга жойлаштиради. Масалан, жорий йилнинг ўзида 24 нафар коллеж битирувчиси бўлган ёшларни ишга жойлашишига кўмак берди. Болаларни ёзги таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказиш мақсадида тумандаги 5, 48-умумтаълим мактабларида кундузги болалар дам олиш лагерларини ташкил этишда кўмаклашди.

Яқинда ғалла режасини ортиғи билан бажарди. 32 гектар ерга экилган бошоқли дондан 62 центнердан ҳосил олишга эришди. Айни кунларда ғўза парвариши билан банд. Насиб этса, пахтадан ҳам юқори ҳосил олиш ҳаракатида. Ҳозир ғўзаларда 4-5 тадан кўсак бор. Маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилиб, чилла суви таралмоқда.

— Кўпчиликнинг ризқи борлиги учунми, даламиздан барака аримаяпти,- дейди биз билан суҳбатда камтарлик билан Қ.Каримов. — Қолаверса, ҳукуматимиз томонидан биз фермерларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар сабаб ҳар йили режани ортиғи билан бажаряпмиз. Ҳосилдорлик ва рентабелликни кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Меҳнатга яраша даромад олаётганлигимиз сабаб, хўжалигимиз аъзоларининг ҳам иштиёқи баланд. Айниқса, турмуш ўртоғим Муҳаррамхон, ўғилларим Бегижон ва Абдулазиз менинг энг яқин ёрдамчи ва маслакдошларим саналади.

**Ҳамрохон МАМАТҚУЛОВА**

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

## Нотариал соҳа такомиллашмоқда

***Юртимизда бугунги кунда мамлакатни модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, дунёнинг энг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин эгаллаши мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" юртимизда амалга оширилган ислоҳотларни сарҳисоб қилиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини янада ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Концепцияда мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уни изчил давом эттириш юзасидан муҳим ва долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Ҳуқуқий ва демократик давлат барпо этиш жараёнида фаол иштирок этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя этиш нотариат соҳаси ходимларининг асосий вазифасига айланган.

"Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш учун талаблар доираси ҳам кенгайтирилди. Нотариуслар ўз фаолиятларини амалга ошириш даврида малака ва кўникмага эга бўлиш, етарли тажриба орттириш лозимлиги, 25 ёшдан кичик бўлмаган олий юридик маълумотга эга бўлиши кераклиги қатъий белгилаб қўйилди. Ана шу талаблар асосида вилоятдаги барча нотариал идораларида олий маълумотли, юқори малакали давлат нотариуслари фуқароларга нотариал ва ҳуқуқий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ҳамда узлуксизлигини таъминлаш мақсадида самарали фаолият кўрсатмоқда. Вилоят адлия бошқармаси томонидан давлат нотариуслари малакаси ва савиясини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўқув-машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Вилоятда нотариал идоралар билан аҳоли ўртасида доимий муносабатларни таъминлаш мақсадида барча қулайликлар яратилган. Нотариал идоралар зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Давлат нотариуслари томонидан жойларда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Миржалил ОЙМАТОВ,**
**Боёвут туман давлат нотариал идораси нотариуси**

СПОРТ

## Истиқлол ниҳоллари

### БУГУН УЛАР АЗИМ ДАРАХТЛАРГА АЙЛАНМОҚДА

***Ҳар бир мамлакатнинг довруғини дунёга танитувчи омиллардан бири — спорт саналади. Таъкидлаш жоизки, юртимизда спорт билан мунтазам шуғулланиш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***



Бугун республикамизнинг қай бир гўшасига борманг, замонавий спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари мустақил юрт фарзандларининг хизматида. Айниқса, уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари спортга қизиқувчи ёшларга қанот бахш этиб, уларни жаҳон ареналари томон йўлламоқда.

"Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтларга айланмоқда",- деган эди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, кечагина спортимизнинг ниҳоллари бўлган кўпгина ёшлар улкан марраларни забт этиб, ҳатто ҳаваскор ёшларга спорт сирларини ўргатмоқдалар. Анвар Абдуназаров ҳам спортга эрта меҳр қўйган ёшлардан. У мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ спортнинг кураш, қўл жанги тури билан шуғуллана бошлаган. Дастлаб туман миқёсида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган қаҳрамонимиз, кейинчалик шаҳар ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида иштирок эта бошлади. Ҳозирда у Тошкент туризм коллежида таҳсил олиш билан бирга қўл жанги спорти бўйича ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

— Ўшанда 10 ёшда эдим, - эслайди Анвар. — Отам мени илк бор курашга олиб боргандилар. Шунда мураббийимга "Ўғлимни жасур, паҳлавон қилиб тарбияланг, у моҳир спортчи, ватанимизнинг муносиб фарзанди бўлсин", дегани ҳали-ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Ҳозирда қўл жанги билан шуғулланмоқдаман. Ўзимнинг, қолаверса, ота-онамнинг орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдаман.

Анвар Абдуназаров тиришқоқлиги ва ҳаракатчанлиги боис кўп ўтмай Тошкент шаҳрида қўл жанги бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда кубок соҳиби бўлди. Илк ғалабалари унга қўл жанги спорти бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлиш имконини берди.

— Анвар яхши баҳоларга ўқийдиган, аъло хулқли талабалардан,- дейди Тошкент туризм коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди Ҳакимжон Бобоев. — Бу йил унга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби тақдим этилди. Бу эътироф унинг нафақат моҳир спортчи, балки ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етаётганидан далолатдир.

— Ёшларга мураббийлик қилиш жараёнида шунга амин бўлдимки, ўз ютуқларимдан кўра шогирдлар ютуғи фахрлироқ бўларкан,-дейди қаҳрамонимиз. — Бу йил коллежни тамомлаяпман. Келажакдаги орзуларим бисёр. Ўз соҳамнинг етук мутахассиси, эл корига ярайдиган, фидойи инсон бўлиш, ота-онам орзусидаги фарзанд бўлиш энг олий мақсадимдир.

Дарҳақиқат, ёшликда қилинган кичик орзулар келажакда улкан мақсадларга айланади. Меҳнат, билим ва тиришқоқлик эса ана шундай мақсадларга эришишнинг энг яқин йўлидир.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ОГОҲЛИК

## Мавсумга тайёргарлик давом этмоқда

***Кутилмаган ёнғин тинч ҳаётимизни остин-устун қилиши, молу жонимизга хавф-хатар солиши ҳеч гап эмас.***

Бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик, ёнғинларнинг олдини олиш масаласи ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Гарчи айни пайтда ёзнинг иссиқ кунлари бўлса-да, бироқ кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари қизғин давом этмоқда. Хусусан, Юнусобод ТИИБ ЁХБ ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011-2012 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш ва профилактик-тушунтириш тадбирлари самарасини ошириш борасида талай ишлар олиб борилмоқда.

Тадбирлар, асосан, куз ва қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш ва шу асосда сифатли текширишлар олиб боришдан иборат бўлмоқда. Қарор талабларини бажариш йўлида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими, Соғликни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим бош бошқармалари, "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, "Саноатконтехназорат" ДИ ва "Ўздавнефтгазинспекция"си томонидан аҳоли турар-жойлари, иқтисодиёт тармоқлари объектлари, таълим-тарбия масканлари, ногиронлар ва қариялар уйлари ҳамда даволаш муассасаларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олиш чораларини кўриш, инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида ички ишлар, газ ва электр идоралари таълим, тарбия ва даволаш муассасалари ходимлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий ва амалий тадбирлар режаси тузилди.

Режада кўрсатилган тадбирлар ижроси юзасидан Юнусобод ТИИБ ЁХБ ходимлари томонидан аҳоли турар-жой биноларида эксплуатация тизими, газдан оқилона фойдаланиш, газ қувурларини ўз вақтида тозалаш, қувурларни ўтказишда лойиҳалаш, техник кўрикдан ўтмаган қозонхоналарни ишлатишни тақиқлаш борасида текширишлар ўтказилиб, маҳаллаларда 7450 нафардан ортиқ фуқаролар иштирокида 225 маротаба суҳбат ва учрашув уюштирилди. Корхона, муассаса ва бозорларда 11450 нафар ишчи ва хизматчилар, 14 нафардан ортиқ хусусий тадбиркорлар билан суҳбатлар ўтказилди.

Аниқланган ҳар бир камчилик ва муаммолар, юзага келган фавқулодда ҳолатлар, фуқаролар томонидан табиий газдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олиш, ҳамкорликда олиб борилаётган профилактик-тушунтириш тадбирларини янада юқори савияда ўтказиш каби тадбирларимиз йил бўйи давом этади.

**Дилшод УМАРОВ,**
**Юнусобод ТИИБ ЁХБ инспектори, сержант**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

*БМТ янгиликлар маркази тарқатган маълумотларга кўра, глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли сайёрамизда ишсизлик даражаси йил сайин ошиб, бу кўрсаткич ҳозирга қадар 205 миллион нафарга етган, шундан қарийб 40 фоизи, яъни 75 миллион нафари ёшлардан иборат. Озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашган сари оч-наҳор яшаётган ва тўйиб овқатланмаётган одамлар сони янада ортиб, юз миллион нафарга етганлиги жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётир.*

**БИЗНИНГ ШАРҲ**



## Еврохудуддаги ишсизлик

Жаҳон банки томонидан тайёрланган ҳисоботда таъкидланишича, 2009 йил кунлик даромади 1,25 АҚШ долларига тенг бўлган қашшоқлар сафига 50 миллион киши келиб қўшилган бўлса, 2011 йилнинг бошларида тахминан яна 64 миллион нафар одам камбағаллар рўйхатини "бойитган". Кузатувчилар бу борада асосий эътиборни Европага қаратишгани бежиз эмас. Зеро, айни пайтда жиддий молиявий бўҳронни бошдан кечираётган Еврохудуддаги 17 та мамлакатда ишсизлар армияси бир йил ичида 2 миллион, яъни 11,1 фоизга кўпайиб, 17 ярим миллион аҳоли бандлик хизмати рўйхатида турибди.

Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармасидан қарз сўраётган Греция ва Испанияда истиқомат қилаётган 25 ёшгача бўлган ёшларнинг 50 фоиздан ортиғини ишсизлар сирасига киритиш мумкин. Кўҳна қитъа мамлакатлари давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришга уринаётгани ва тежамкорлик чораларини кучайтираётгани келажак ворислари ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ, миллионлаб ёш европаликлар ўқишни ярим йўлда ташлашга мажбур бўлаётир. Кузатувчиларнинг фикрича, иш қидираверив чарчаган ёшларда эртанги кунга ишонч ҳам сўниб бормоқда.

Пиреней ярим оролидаги испанлар ҳаётига ҳавас қилиб бўлмайди. Футбол сеҳргарлари юртида камбағаллар оз эмас. Хусусан, ўтган 5 йил ичида 350 минг оила ипотека қарзини тўлай олмаганлиги учун уйидан ҳайдаб чиқарилган. Улардан 80 фоизи болачақали оилалар. Улар айнан ишсизлик туфайли банклардан олган кредитларини вақтида тўлай олишмаган. Бу ҳам етмаганидек, мамлакатдаги етакчи "Банкиа" банкидан арзонроқ акция сотиб олганларнинг кўпчилиги чув тушганлигини англаб етди.

Аксарият одамлар банкларга юз миллиард евро миқдорида кредит ажратилишини ишончсиз ва адолатсиз қадам, деб ҳисобламоқда. Очиғи емаган сомсага пул тўлагандек бўлаяпмиз, дейишаяпти испанлар. Нўноқ молиячиларнинг қарзини тўлаш яна оддий испанлар зиммасига тушадиган бўлди. Испания ўз тарихида илк маротаба 5 миллионли ишсизлар оқимига тўқнаш келмоқда. 25 ёшгача бўлган ҳар икки ёшдан бири бекор юрибди. Евромаконни тарк этишига бир баҳя қолган грецияликларнинг ҳам ҳаёти анча мушкул. Болқондаги бу ўлкада бир йил ичида ишсизлик даражаси 42 фоизга ўсиб, ҳозир 1,1 миллион юнонлар иш изламоқда. Греция ЯИМ 4 йил ичида 20 фоизга камайди. Бу Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг паст кўрсаткичдир.

Кўҳна қитъада бир неча йиллардан буён давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз украиналиклар ҳаётига ҳам таъсир қилмоқда. Ҳозир Болқон ва Пиренейда тахминан 350 мингга яқин украиналиклар истиқомат қилаётган бўлиб, шундан қарийб 75 минг нафари қонуний асосда ишлаётган бўлса, қолганлари ноқонуний йўл билан бошпана топган. Улар малакасиз мутахассис сифатида европаликлар учун ноодатий ва мақбул бўлмаган юмушлар, кексалар ва болаларни парваришлаш, қурилиш, хизмат кўрсатиш, ресторан ва меҳмонхона бизнесида тирикчилик қилмоқда. Европадаги молиявий бўҳрон украиналик гастербайтерларни ҳам четлаб ўтмади. Энага, ҳамшира ва уй хизматкорлари бўлиб ишлаганларнинг кўпчилиги оғир аҳволда қолди. Минтақадаги кўпгина завод ва фабрикалар биринчи навбатда хорижлик фуқароларни қисқартиришга тушишди. Бир пайтлар ойига минг евро маош олиб юрган ажнабийлар энди 700-800 еврога ҳам қаноат ҳосил қилмоқда.

Ишсизлик масаласи АҚШ, Яқин Шарқ, Шимолий Африка давлатларини ҳам жиддий хавотирга солаётир. Хусусан, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада ишсиз юрганлар сонини камайтириш борасида муаммолар талайгина. Бу минтақаларда ишга лаёқатли шахсларнинг 12,2 фоизи, Лотин Америкасининг эса 8 фоизи бандлик хизмати рўйхатга олинган. Кузатувчиларнинг фикрича, Жанубий Осиёда ишчи кучлари бирмунча арзонлиги туфайли вазият бирмунча яхшироқ, яъни 5,2 фоизни ташкил этмоқда. Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда қарийб 500 миллион киши кунига 2 АҚШ долларидан кам маблағ ишлаб топаяпти, 196,2 миллион нафари эса 1 доллардан камроқ даромад кўради. Ҳиндистон аҳолисининг 70 фоизи деҳқончилик билан шуғулланаётган бўлиб, давлат банклари қишлоқ аҳолисига кредитдан кўра, истеъмол буюмлари сотиб олиш учун қарз беришни маъқул, деб топмоқда. АҚШ федерал захира тизими тайёрлаган маърузада айтилишича, океан ортидаги мамлакатда ишсизлик даражаси бу йил ҳам 8,2 фоиз атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда. "Финмаркет" ахборот агентлиги хабарига кўра, ўтган ҳафтада АҚШда ишсизлик нафақасини олиш мақсадида мурожаат қилаётганлар сафи 14 минг нафарга камайиб, у 374 минг нафарга пасайган. Ҳозир жами 3 миллион 300 мингдан ортиқ америкалик нафақа олмоқда.

Халқаро Меҳнат ташкилоти башоратига кўра, жорий йилда сайёрамизда 15-24 ёшдагилар орасидаги ишсизлик 0,1 фоизга ортиб, у 12,7 фоизга етади. БМТ бош котиби Пан Ги Мун дунё миқёсида кузатилаётган бундай глобал муаммо хусусида тўхталиб, 2015 йилга бориб қашшоқ яшаётган одамлар сони 900 миллион нафарга етиши ҳақида ташвиш билдирган. Биргина Ҳиндистонда қарийб 300 миллион аҳоли кунига 1,25 АҚШ доллари ҳисобига кун кечиришга мажбур бўлади. Ишсизлик муаммоси бугун ва эртага ҳал бўладиган масала эмас. Маҳаллий ҳукуматлар тўғри сиёсат юргизган тақдирда бу глобал муаммо ўз ечимини топиши мумкин.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

**Мутахассисларнинг фикрича, Еврохудуддаги ишсизликни биринчи навбатда реал сектордаги иш ўринларининг қисқартирилгани билан изоҳлаш мумкин.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

*Техника*

## Ёқилғи 70 % тежалади

**АҚШда автомобиль учун янги турдаги ёқилғи насосини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**



Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундай насослар катта миқдорда ёқилғини тежаш, ҳавога чиқариладиган заҳарли газлар миқдорини камайтириш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, автомобилларга ўрнатиладиган мазкур насослар ҳаракатланиш пайтида сарфланадиган электр қувватини 60-70 фоизга тежаб, автомобилга зарур бўладиган ёқилғи миқдорини аниқ кўрсатиш хусусиятига эга.

*Тадқиқот*

## Телевизор қаршисида 2-3 соат

**Испаниялик олимлар икки ёшгача бўлган болаларнинг телевизор қаршисида ўтиришини қатъиян тақиқлашни, ундан катта ёшдагиларга эса ҳафтасига ўртача 2-3 соатдан кўп телевизор кўрмасликни тавсия қилмоқда.**



Олимлар ўтказган тадқиқотларга кўра, телевидение беш ёшгача бўлган болаларнинг соғлиги ва маънавий-руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ўтказилган кузатув натижасида бу ёшдаги болаларнинг ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган кўрсатувлар, жумладан, мультфильмларни томоша қилиши оқибатида уларда уйқусизлик, ҳатто стрессга тушиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Мутахассисларнинг айтишича, бугунги кун мультфильмларида зўравонлик, отишмалар, асаб тизимига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа кўплаб лавҳаларни учратиш мумкин.

*Энергия дунёси*

## Йирик қуёш станцияси

**Саудия Арабистонида дунёдаги энг йирик қуёш станцияси ишга туширилди.**



Қуёш нури ёрдамида электр энергиясини тўпловчи панеллар 36 минг квадрат метр ҳудудни эгаллаган. Замонавий технологиялар асосида бунёд этилган ушбу станция қум довулларидан муҳофаза этувчи тизим билан таъминланган. Компания вакилларининг айтишича, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 4,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Саудия Арабистони яқин ўн йил ичида қуёш нурларидан электр энергия экспорт қилувчи энг илғор давлатлар қаторидан жой олмоқчи.

*Тўлов усули*

## Пул ўрнига бармоқ изи

**Буюк Британия мактабларидаги ошхоналарда ўқувчилар учун егулик ҳақини тўлашнинг янги усули жорий қилинди.**

Энди болалар пул ўрнига махсус аппаратда бармоқ изларини қолдиради. Шу тариқа ўқувчининг банкдаги ҳисобидан пул ечиб олинади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бундай ноанъанавий тўлов усули ўқувчилар учун жуда қулай. Энди улар орасида нақд пул ва овқатланиш талонларининг йўқолиши ва ўғирланиши каби ҳолатлар камаяди. Тўловнинг бундай усули мамлакатнинг барча ўқув муассасаларида жорий қилиниши режалаштирилмоқда.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

**РАНГИН ДУНЁ**

*Мадагаскар ороли Жанубий Африканинг шарқий қирғоғига яқин жойлашган бўлиб, уни Ҳинд океани ювиб туради. Оролнинг океандан энг баланд нуқтаси 2876 метр (шимолдаги Царатанана тоғ тизмасининг Марумукутру чўққиси). Оролнинг марказий қисмини бўйига 1600, энига 600 километрдан кўпроқ ҳудудни Анжафи тоғ тизмаси эгаллаган. Мамлакат пойтахти Антананариву шаҳри марказий Анжафи тоғ тизмасининг шимолий қисмида, денгиз сатҳидан 1276 метр баландликда жойлашган.*

## Туганмас хазиналар ороли

### ИҚЛИМИ

Орол иқлимини жанубий-шарқий тропиклардан экваторга томон доим эсиб турадиган қуруқ шамол ва Жанубий Ҳинд антициклони яратади. Оролда учта: шарқий қирғоқлардаги тропик муссон иқлимли, марказий мўътадил денгиз иқлими ва жанубдаги қуруқ иқлимли минтақа бор. Ғарбий қирғоқ иқлими шарқий қирғоққа нисбатан анча қуруқ. Чунки шарқ тарафдан эсиб турувчи пассат шамоллари шарқий ва марказий ҳудудларда намлигини йўқотади.

### ТАРИХИ

Мадагаскар ороли бўйича тарихий ёзувлар араб сайёҳлари ва тижоратчиларининг бу ерга ташрифи билан боғлиқ. Машҳур венециялик сайёҳ Марко Поло оролга ном берган. Унинг қайдномаларида "туганмас хазиналар ороли" Madeigascar ҳақида сўз боради. Милодий ўн тўртинчи асрда орол марказида Имерина давлати ташкил топди. Ўн олтинчи асрда орол ғарбида Сакалава, шарқида Бецимисарака ва марказида Бецилеу давлатлари бўлган. Ўн тўққизинчи асрда улар Малагаси қироллигига бирлашишди. 1890 йили Буюк Британия Мадагаскар фаранг протекторати эканини тан олди. 1897 йилга келиб фаранглар қиролича Ранавалуна учинчини ҳокимиятдан четлаштириб, Мадагаскарни мустамлакага айлантирди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида оролга Британия аскарлари киритилди. 1943 йили орол яна Франция ихтиёрига қайтариб берилди. 1947 йилда бошланган мустақил давлат тузиш мақсадидаги ҳаракатлар бостирилди. Лекин 1958 йилга келиб, Франция ҳукумати оролни бошқаришдан воз кечди. Шу йили фаранг протекторатига кирувчи Малагасия Мухтор Республикаси тузилди. 1960 йил 26 июнь куни мустақил Малагасия Республикаси тузилгани эълон қилинди. Мамлакатни Филибер Циранан бошлиқ социал-демократлар партияси бошқарар эди. 1974 йил 31 декабрь куни бир гуруҳ ҳарбийлар генерал Рамананцуани ҳокимиятдан кетказишга уриниб кўришди. Натижада ҳукумат ҳарбийлар қўлига ўтди. 1975 йили Мадагаскар Демократик Республикаси тузилди.

### ИҚТИСОДИ

Халқаро валюта жамғармаси маълумотига кўра, Мадагаскар иқтисоди ривожланаётган давлатлар қаторига киради. Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, зираворлар етиштириш иқтисодининг етакчи соҳаларидир. Асосан кофе, ванилин (ванилин етиштириш бўйича жаҳонда етакчи), какао, шакарқамиш, гуруч, банан ва ерёнғоқ экспорт қилади. Айни вақтда туризм, тўқимачилик ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга сотиш соҳалари ҳам ривожланмоқда. Қулай экологик ҳудудда жойлашгани боис, йил сайин саёҳатчилар ташрифи ортиб бормоқда. АҚШ ва Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатган. Мадагаскарда кўмир, илменит, никель қазиб олинади ва экспорт қилинади. Республика жанубида иккита нефть кони ҳам топилган.

### АҲОЛИСИ

Мадагаскар аҳолисининг 99 фоизини маҳаллий гуруҳлар — антадруи, антайсака, антайфаси, бара, бецилеу, везу, зафиманира, махафали, мерина, сакалава, таналалардан иборат малагасийлар ташкил этишади. Оролда қисман фаранглар, қамарликлар, араблар, ҳиндлар ва покистонликлар ҳам яшайди. Аҳолининг 22 фоизи шаҳарликлардир.

### ТАНА

Икки тепалик оралиғида жойлашган Антананариву пойтахт шаҳарни маҳаллий халқ оддийгина қилиб, "Тана" дейди. Шаҳардаги уй ва кўчалар бир-бирига боғланган ҳолда қурилган. Шу боис, бу ерга келган одам ўзини лабиринтга тушиб қолгандек ҳис қилади. Антананаривунинг диққатга сазовор жойларидан бири Рува Амбухиманга сарой ансамблидир. Унинг таркибига тўртта сарой: Мандзакамиадана (XVIII аср), Махицилафандзака, Транавалуна, Манамписоа (1866 й.) ва мадагаскар ҳукмдорларининг хилхонаси киради. Шаҳардаги бошқа иморатлар маъмурий бинолар ҳисобланади. Энг муҳими, Лемурлар оролида табиатдан баҳраманд бўлиш имконияти мавжуд. Цимбазаза ботаник боғи, Бесарети истироҳат боғи, Мазуреву-Фарм ҳайвонот маркази, Археология ва палеонтология музейи сайёҳларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Пойтахт атрофида эса шолизорлар, тепаликлар, Андрайкиба, Тритрива, Татамарина, Антафуфу шаршарасини томоша қилиш мумкин. Қолаверса, айнан шу ҳудуд таркибига кирувчи Амбухидрабиби тепалигида қирол Раламбу (XVIII аср) қасри харобалари ҳамда шу ерлик қиролларга тегишли кўплаб саройлар мавжуд.

Туамасина — Мадагаскарнинг энг йирик порт шаҳарларидан бири. Шаҳарга келиб-кетувчи сайёҳлар асосан Ҳинд океани орқали кемаларда келишади. Шу боис, шаҳардаги хилма-хил бозорлар, колониал услубда қурилган меъморий обидалар ҳар қандай сайёҳ эътиборини тортиши аниқ. Айниқса, шаҳар четидаги ҳайвонот боғи, Андавакандрехи муқаддас ғори, энг йирик ва кўҳна Фарафати истеҳкоми харобалари кўриш учун арзигулик сайёҳлик манзиллари ҳисобланади.

Умуман олганда, Мадагаскарда мавжуд океанографик тадқиқотлар маркази, "Кумушранг шаршара", Нуси-Кумба оролидаги қўриқхоналар, Нуси-Таникели оролидаги Миллий сувости боғи мамлакат фахри, сайёҳлар орзусидаги масканлар сирасига киради.













*Мадагаскар. Пойтахти: Антананариву. Майдони: 587 040 кв.км. Аҳолиси: 20 млн.дан зиёд.*

**Зафар МУҲАММАД**

# КЎЗГУ

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### “Зарб-2012”

**Пойтахтимиздаги “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт марказида “Зарб-2012” ёш доирачилар республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Танловда “Баркамол авлод” болалар марказларида “Фольклор” доира йўналишида таълим-тарбия олаётган ҳамда ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган энг иқтидорли 144 нафар ўқувчи иштирок этди. Кўрик-танлов ғолиблари Халқ таълими вазирлиги “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт марказининг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

### Номоддий маданий мерос муҳофазада

**Тошкентда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича семинар ўтказилди.**

Семинар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда мамлакатимизда номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга йўналтирилган дастур юзасидан олиб борилаётган тадбирлар салоҳиятини янада ошириш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

**“Туркистон-пресс”**

### Маънавий мерос

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Бадиий кўргазмалар дирекцияси тўпламларида сақланаётган Ўзбекистон тасвирий санъати усталари асарларининг учинчи ретроспектив кўргазмаси очилди.**

“Бизнинг мерос” туркумидаги бу кўргазмага ўзбекистонлик рангтасвирчилар Бахтиёр Бобоев, Рўзи Чориев, Юрий Стрельников, Юрий Талдикин, Вениамин Ким, Пахриддин Тоҳиров, Қўчқор Носировнинг ишлари қўйилган. Мазкур асарларда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётимиз, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари, халқимиз ҳаёти, оддий иш кунлари, бунёдкорлиги, йил фасллари, натюрмортлар, тарихий шаҳарларимиз, замондошлар портретлари, миллий қадриятларимизни эслатувчи масканлар, халқимизнинг бағри кенглиги ўз аксини топган. Кўргазма шу йилнинг 5 августигача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## ТАРАДДУД

# “ART WEEK STYLE. UZ-2012”

### САНЪАТ ҲАФТАЛИГИГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОКДА





***Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Art Week Style.uz-2012 санъат ҳафталиги жорий йилнинг 4 октябрь куни ўз ишини бошлайди. Йилнинг энг ёрқин санъат ҳафталиги 6 кун мобайнида дунё эътиборини ўзига қаратади, десак янглишмаймиз. Санъатга иштиёқи, ихлоси ва меҳри баланд инсон борки, ушбу санъат ҳафталигига бефарқ қаролмайди.***

Йилдан-йилга ўзига хос тароват ва жўшқинлик бахш этувчи ҳафталик давомида иштирокчилару юртимиз меҳмонлари ранглар жилоси, чексиз орзу ва ҳиссиётлар оламига саёҳат қилиш имконига эга бўлишади. Қолаверса, ўзбек ва жаҳон санъати намуналари, урф-одат ва анъаналаридан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Еттинчи маротаба ўтказилаётган Art Week Style.uz лойиҳасининг бош ташкилотчиси - “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси халқаро маданий алмашинувни ривожлантириш, мамлакатлар, турли миллат ва элатлар ўртасида ижтимоий-гуманитар, умумбашарий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма турли грант, стипендиялар ажратиб, танлов, фестиваль, кўргазма, давра суҳбати каби тадбирларни ташкил этаяпти. Талантли ва иқтидорли ёшларни, оилавий ҳунарманду ижодкор инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни рағбатлантириб келмоқда. Art Week Style.uz санъат ҳафталиги санъатнинг турли йўналишларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ижод олами вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Британия Кенгаши, Француз ҳамда Гёте институтлари, йирик хорижий ва маҳаллий идоралар, жамоат ташкилотлари кўмаги билан ўтказиб келинмоқда.

**Динара ДЎЛТАЕВА, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси матбуот хизмати раҳбари:**

—Фонд Форум томонидан ташкил этилган мазкур ҳафталик ўз аҳамияти ва кўлами жиҳатидан Ўрта Осий минтақасида мазкур йўналишдаги биринчи ва энг йирик лойиҳа ҳисобланади. Маънавият ва маърифат, санъат ва нафосат байрами сифатида юртдошларимиз ва хорижликларни ўзига чорлаб келаётган ушбу санъат ҳафталиги доирасида мамлакатимиздаги етакчи дизайнерлар ва хорижий мода уйлари либослари намойишлари, миллий либослар фестивали, театр постановкалари, классик ва замонавий санъат бадиий кўргазмалари, замонавий санъат биенналеси, халқаро кинофорум, хайрия акциялари ҳамда турли тақдимот, концерт, кўнгилочар тадбирлар, маҳорат дарслари, ёшлар иштирокида турли блиц-брифинглар тақдим этилади. Бу йил ҳам дунёнинг энг машҳур брендлари иштирок этиши кутилмоқда. Шоу-бизнес, мода, кино, театр, санъат, мусиқа ва ОАВ оламининг таниқли ва машҳур вакиллари билан бевосита учрашиш, суҳбатлашиш имкони яратилади.

Айни кунларда эса Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказиладиган “VI Тошкент халқаро фотобиенналеси — 2012” га тайёргарлик ишлари кетаяпти. Мазкур тадбиримиз “Мен дунё ичраман: дунё мен ичра” мавзусида ўтказилиб, у ёш ижодкорларимизга табиат, жамият ва оила уйғунлигини тараннум этиш орқали, инсон ички оламини кашф қилиб, янгидан-янги санъат асарларини яратиш имконини беради. Унда “Оилага бағишланган энг яхши фотография”, “Энг яхши кураторлик лойиҳаси”, “Энг яхши бадиий фотография”, “Энг яхши экспериментал фотография”, “Ёш фоторассомнинг энг яхши асари” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, тақдирланади.

Ўтган йиллар давомида санъат ҳафталигида қатнашган ёш дизайнер, рассом ва модельерлар учун бу катта тажриба ва маҳорат майдонига айланганлигини қувонч билан айтиш мумкин. Шу кунларда улар республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танлов, модалар намойиши, ижодий фестивалларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. Ўтган йил ўтказилган Тошкент замонавий санъат халқаро биенналесида ўзбекистонлик 100 нафардан зиёд, 25 та хорижий давлатдан 50 нафар мусаввир 1500 дан кўпроқ асарни санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этган эди.

# “Олтин гепард”

### II ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФОРУМИ



Пойтахтимизда “Олтин Гепард” II Тошкент халқаро кинофорумига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кўплаб ижодий учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтяпти. Таниқли санъаткорлар, режиссёрлар ва санъатшунос мутахассислар иштирок этган тадбирларда навбатдаги нуфузли халқаро анжуманга тақдим этиладиган фильмлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг октябрь ойида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ўтказиладиган йирик ижодий йиғинга қизиқиш билдираётган хорижлик санъат усталари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, кинофорумда иштирок этиш учун Болгария, Миср, Эрон, Жанубий Корея, Марокаш, Тунис каби давлатлардан таклифлар билдирилмоқда. Анъанага кўра, бу гал ҳам мазкур лойиҳанинг танлов ва танловдан ташқари дастурларида иштирок этиш учун тўлиқ ҳамда қисқа метражли, шунингдек, анимацион фильмлар тақдим этилади. Киноасарлар ташкилий қўмитанинг махсус саралаш комиссияси хулосаси билан танлаб олиниши кўзда тутилган. Кинофорумда қатнашадиган асарлар рўйхати август ойида эълон қилинади.

**Акбар ҲАКИМОВ, санъатшунослик фанлари доктори, академик:**

— Санъат инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши лозимлиги, айниқса, “Олтин Гепард” биринчи халқаро кинофоруми кунларида яққол сезилди. Биз уни анъанавий бўлиб қолишини истагандик. Мана бу йил ҳам халқаро кинофорумни иккинчи бор ўтказамиз. Миллий санъатимизнинг ўзига хос, бетакрор анъана ва мактабларини асрабавайлаш, уни юртимиз ва хорижда кенг тарғиб қилиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёш истеъдодларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб олган мазкур кинофорум кутилган натижаларни берди, десак янглишмаймиз. Айниқса, ёш ўзбек ижодкорлари учун катта имконият эшигини очди. Қолаверса, кўплаб ижодкорлар бир жойга тўпланишади, бир-бирлари билан фикр алмашишади, янгиликлардан хабардор бўлишади.

Бу йил ҳам фильмларнинг бадиий савиясига холис баҳо бериш мақсадида нуфузли ҳакамлар ҳайъати тузилади. Унинг таркибига кўплаб таниқли кино мутахассислари, кинопродюссер ва режиссёрлари киритилади.

Хабарингиз бор, ўтган йили илк бора ўтказилган “Олтин Гепард” халқаро кинофорумида “Энг яхши эркак роли учун” номинациясида таниқли режиссиёр ва актёр Нозим Тўлахўжаев, “Энг яхши тўлиқ метражли фильм” номинациясига эса режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг “Қўрғошин” фильми муносиб топилган эди. Бу йил ҳам юртдошларимиздан совринли ўринларни кутиб қоламиз.

Ишонамизки, мазкур тадбирлар мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга хизмат қилади. Миллий кино санъатимизнинг янада ривожланишида, тараққий этишида, ўлмас асарлар яратилишида муҳим омил бўлади.

**Эркин ЙЎЛДОШ, “Milliy tiklanish” мухбири**

## МУТОЛАА

# “Архарлар йўлбошчиси”

### ШУКРУЛЛО АБДУЛЛАЕВНИНГ “МУҲАРРИР” НАШРИЁТИ ТОМОНИДАН ЧОП ЭТИЛГАН АНА ШУНДАЙ НОМЛИ МЎЪЖАЗГИНА КИТОБЧАСИ БОЛАЛАРИМИЗ УЧУН АЖОЙИБ ТУҲФА БЎЛДИ

***Туркумдан 11 та кичик ҳажмдаги ҳикоялар ўрин олган. Ҳикоялар билан бирма-бир танишар экансиз, гап ҳажм ёки сонда эмаслигига амин бўласиз. Мазкур ҳикояларнинг характерли жиҳати табиат мавзусига бағишланганлигидир. Табиатдаги энг майда жонзоту гиёҳларгача бу ёруғ оламда яшагиси келади. Уларни қириш, пайҳон қилишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳар бир жонзотнинг ўз олами, ҳаётий қонун ва яшаш тамойиллари бор.***




“Архарлар йўлбошчиси” ҳикоясида ёзувчи архарлар оламининг ҳаёт тарзи ҳақида сўз юритади. Сўнгги нафасигача тўдасини сақлаб қолиш учун ҳамлага ошиққан мард йўлбошчи архарнинг ҳолати кўз ўнгимизда намоён бўлади. Йўлбошчи архарнинг ўз тўдасини турли бало-офатлардан моҳирлик билан олиб ўтиши кишини ҳайратга солади. Шунингдек, ёзувчи теварак-атрофни, табиатни ёрқин рангларда ифодалайдики, гўёки ўзингизни воқеа жойида тургандек ҳис этасиз.

Табиатдаги ҳар бир жонзот ўзи туғилиб ўсган жойни асло тарк этишни истамайди. Инсонларга берилган “Ватан” деб аталмиш туйғу табиатнинг бошқа вакилларига ҳам хос. Масалан, бир туп гиёҳни униб чиққан жойидан бошқа ерга олиб бориб эксангиз, ўша жойга кўникиши осон кечмайди. “Мовий кўл тўлқинларида” ҳикоясидаги оддий балиқчанинг бошидан ўтказган кечмишлари ҳам шундай. Муаллиф “Динозаврлар”, “Сўнгги мамонт” ҳикояларида эрамиздан аввалги неча минг йиллар муқаддам яшаб ўтган жонзотлар ҳақида сўз юритади. Очкўзлик оқибатида ярадор бўлган динозаврлар тасвирланади. Ер юзидаги ўзгаришлар, дастлабки ҳайвонлар, уларнинг яшаш учун курашлари, ташналик азобига қарши ўзида куч топа олган, авлодлар давомийлигини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан курашган она мамонтнинг қудрати ҳикоя қилинади.

Маккорлик, текинхўрлик ҳамма даврда қораланган. Болалар адолатсизлик, ёлғончиликдан нафратланади. “Каккулар” ҳикоясида ана шундай ғазабга дучор бўлган қуш тасвирланган.

Очофатлик, нафснинг гапига кириш доимо барчага панд берган. Нафс қай йўлларга бошламайди, дейсиз. “Икки бошли илон” ҳикоясида ҳам шу кўчага кирган қурбонлар ҳақида сўз боради.

Ўқувчига маънавий озуқа бера оладиган тўпламдаги ҳар бир ҳикоя табиатга ўткир нигоҳ билан қараган ижодкорнинг ижод маҳсули, десак ўринли бўлади. Ҳикоялардаги хилма-хиллик, жонзотларнинг яшаш тарзини узоқ кузатиш, табиатнинг кўз илғамас томонларини билиш, тилимизнинг оддий, равон оҳангларидан оқилона фойдаланиш адибнинг ютуғидир.

Болаларимиз ёзувчи ва шоирлардан мана шундай самимий асарларни муштоқ бўлиб кутишади. Ш.Абдуллаевнинг ушбу китоби нафақат болаларни, балки катта ёшли китобхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси**

## ЎГИТ

Кўп билимлар эгаси бўла туриб, уни кўз-кўз қилмаслик маънавий юксакликнинг белгисидир. Оз нарса билиб ўзини кўп нарса биладиган қилиб кўрсатиш касалликдир. Фақат ана шу касалликни англаб етсаккина биз ундан халос бўлишимиз мумкин.

* * *

Ўзини қўлга ололмаган инсон ҳамма нарсани кўра туриб, ҳеч нарса кўра олмайди, ҳамма нарсани эшита туриб ҳеч нарсани эшитмайди, таом ея туриб, ҳеч қачон унинг мазасини билолмайди.

## РИВОЯТ

### Куч — бирликда

Бир куни қадимги Юноннинг машҳур ҳакими Буқротни бир беморнинг олдига олиб борибди. У касалнинг томирини ушлаб дебди:

— Шуни билгилки, мен, сен ва касаллик уч нафар бўламиз, учаламиз ҳам бир-биримизга мухолифмиз. Агар сен менга ёр бўлсангу айтганимни қулоғингда тутсанг, яъни емагин, ичмагин деган нарсамдан нафсингни тийсанг биз икки тан, икки жон бўламиз, касаллик танҳо қолади ва биз уни енгамиз. Икки жон, икки тан бирлашса, ҳамиша бир кишини мағлуб қилиши муқаррардир.

## БИЛАСИЗМИ?

Занглаган темир зангламаганидан оғирроқ бўлади. Чунки темир оксиди темирдан оғирроқ.

* * *

Дунёда энг кўп ишлатиладиган металлар — темир, алюминий ва мис.

## ТУРФА ОЛАМ

### Янги супермашина

**КАНАДАДА ЖАҲОН АНДОЗАСИГА МОС СУПЕРМАШИНА ОММАВИЙ РАВИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ҚЎЙИЛАДИ.**



«Д Макрос эпик ЖиТи вон» автомобилининг тақдимот маросими ўтган йилнинг ноябрь ойида ўтказилган. Автомобиль кузовининг панеллари композицион материаллардан тайёрланган. Шундай бўлишига қарамай машинанинг оғирлиги камаймади. Суперкар айни пайтда қарийб бир ярим тонна тош босади. Унинг қуввати эса 800 от кучига тенгдир. Бундай кучга эса «Форд» томонидан ишлаб чиқилган 5,4 литр ҳажмли мотор туфайли эришилди. Супермашина атиги 3 сония ичида тезликни соатига 100 километргача ошира олади. Унинг энг юқори тезлиги эса соатига 370 километр.

### “Ақлли уйлар”

**ЯПОНИЯЛИК ОЛИМЛАР АНТИҚА ТУРАР ЖОЙ БИНОСИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДИ.**



Унинг бошқа уйлардан фарқли жиҳати шундаки, ушбу турар жой биноси электр таъминоти тизимини мустақил равишда бошқаради. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида қурилажак бундай уй томига қуёш нуридан тўғри фойдалана оладиган панеллар, махсус ёқилғи элементлари ҳамда электр энергияси тўплагичи ўрнатилади. Бу ҳавога чиқаётган заҳарли газларни саксон фоизга қисқартиради. Мутахассисларнинг фикрича, йилнинг қайси мавсуми бўлишидан қатъи назар, бинога ўрнатилган махсус электрон асбоблар уни иссиқлик ва ёруғлик энергияси билан керакли миқдорда таъминлаб туради. Бундай “ақлли уйлар”ни барпо этиш 2015 йилдан бошлаб кенг йўлга қўйилиши режалаштирилган.

### Фойдали тадқиқот

**РУҲШУНОСЛАР ҚОРОНҒУ ЖОЙДА ИНСОН ТИНИҚИБ УХЛАШИНИ АНИҚЛАШДИ.**



Торонто университети профессори Коллин Карни 100 нафар кўнгилли иштирокида тадқиқот ўтказди. Қатнашчилар икки гуруҳга бўлинди. Бирлари жуда яхши ухлашди. Қолганлари эса бу борада муаммолар юзага келаётганидан шикоят қилишди. Сабаби тажрибада иштирок этаётган одамлар ухлаётган хонада вақти-вақти билан мусиқа жаранглаб турган. Баланд овоздаги қўшиқлар айрим ҳолларда хона ёруғ бўлганида, бошқа ҳолларда эса қоронғу хонада ёқилган. Натижада авваллари бедорликдан шикоят қилмаганлар атрофдан тўлалигича чалғиб, бамайлихотир ухлай олишди. Қолганлари эса тун бўйи чироқ ўчмай турганидагина ўзларини яхши ҳис қилганликларини айтишган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 719, Адади — 5232. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Эргаш ХЎЖАЕВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.30.
ISSN 2010-7714